VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

24 (508) ● 2018 йил 13 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ҲУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12 июнь куни Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Фарғона вилоятини 2018 йилда ривожлантириш инвестиция дастури доирасида 285 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бугунга қадар 35 таси якунига етказилди. Вилоятда 212 қўшма корхона фаолият кўрсатаётир, жорий йилнинг ўтган даврида хорижий сармоя иштирокидаги 45 корхона рўйхатдан ўтказилди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Қўқон" эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам аҳоли фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қува туманида янги барпо этилган "Фарғона анорчилик" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги агрофирма билан танишди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, айниқса, боғдорчиликни ривожлантириш, мева-сабзавотлар экспортини ошириш борасида истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида бугунги кунда бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, аграр соҳа маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишда салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Бу замин анорлари дунёга машҳур. Айни кунларда анорнинг серҳосил ва иқлим шароитига мос янги навларини яратиш, анорзорлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Фарғона анорчилик" агрофирмасида амалга оширилаётган ишлар бунга яққол мисолдир.

Анор етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш ва экотуризм хизматлари кўрсатишга ихтисослашган агрофирманинг умумий майдони 300 гектардан ошади. Шундан 289 гектарига 15 га яқин навли 272 минг тупдан зиёд анор кўчати экилиб, парваришланмоқда. Беш юзга яқин кишининг бандлиги таъминланган. 2025 йилгача анорзор майдонини 2 минг гектарга етказиш режалаштирилган. Анорзор тўлиқ ҳосилга киргач, йилига 10 минг тонна маҳсулот етиштирилади.

Агрофирмага 2018-2020 йилларда инвестиция тариқасида Исроилдан қадоқлаш, Италиядан маҳсулот қабул қилиш, ювиш ва саралаш ускуналари, Нидерландиядан музлатгич агрегатлари келтириб ўрнатиш мўлжалланмоқда.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш каби муҳим воқеа ва фактларни қайд этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда ФҲДЁ деб юритилади) органлари тизимини такомиллаштириш бўйича изчил ва тизимли иш олиб борилди.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати аҳолига ҳар томонлама ва сифатли давлат хизматларини кўрсатиш бўйича самарали механизмлар яратилишига тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар борлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, ФҲДЁ органларининг мақомини, вазифа ва ваколатларини белгилаб берадиган махсус қонун мавжуд эмас, шунингдек, мазкур соҳадаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг асосий вазифа ва функциялари аниқ чегараланмаган;

иккинчидан, ФҲДЁ органлари фаолиятига замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги, қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолган андозалари асоссиз молиявий харажатларга, фуқароларнинг кўп вақт кутиб қолиши ва навбатлар юзага келишига, оқибатда, айрим ҳолларда коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда;

учинчидан, ФҲДЁ органлари ва ички ишлар, соғлиқни сақлаш, васийлик ва ҳомийлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари ўртасидаги идороларо электрон ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги туғилиш ва ўлимни сўзсиз ва ўз вақтида қайд қилиш, шунингдек, тегишли қайд этилмасдан никоҳ тузилиши ва ажралишларнинг олдини олиш бўйича самарали мониторингни таъминламаяпти;

тўртинчидан, давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва тезкорлиги, ФҲДЁ органлари ходимлари томонидан ўз функционал вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизми, айниқса, масофадан назорат қилиш шакллантирилмаган, улар фаолиятини баҳолашнинг шаффоф тизими мавжуд эмас;

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ илк маротаба муборак Рамазон ҳайити муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 226 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 102 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 71 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 39 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бошқача қилиб айтганда, 212 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинади. Шунингдек, 14 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 40 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 39 нафарини чет эл фуқаролари, 37 нафарини аёллар, шунингдек, 51 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг муборак Рамазон ойида янада юксак намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

Фракция позицияси

ЧИЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР ЧЕКЛАНМОҚДА

БУ БОРАДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ТАШАББУСКОР БЎЛДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган қонун лойиҳалари қуйи палата мажлисига қадар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам кўриб чиқилган эди. Унда фракция аъзолари қонун лойиҳаларини партия дастурий вазифалари ҳамда электорат манфаатлари нуқтаи назаридан муҳокама қилиб, ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Фракция йиғилишида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 7 июнда қабул қилинган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори аҳамияти, партия ташкилотлари ва депутатларнинг ундан келиб чиқадиган вазифаларига тўхталиб ўтилди.

3-бет

Депутат сўрови — халқ сўрови

ЕЧИМИ ЙЎҚ МУАММО БЎЛМАЙДИ, АММО...

ОЁҒИ ЕРДАН УЗИЛГАН МУТАСАДДИЛАР 10 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИГА ЖАВОБ ҚАЙТАРМАДИ

Бугун жойларда партия вакиллари ва улардан сайланган депутатларнинг аҳоли билан доимий мулоқоти натижасида фуқароларнинг сиёсий партияларга ва депутатларга бўлган ишончи кундан-кун ортиб бормоқда. Буни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий кенгашлари ва депутатлик бирлашмаларига келаётган аҳоли мурожаатларидан ҳам яққол билиш мумкин.

Шу йилнинг 16 апрель куни ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашига вилоят қон қуйиш станциясининг бир гуруҳ ходимларидан мурожаат келиб тушган. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги қонуни 22-моддасида қон билан ишлаш хизматининг қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш ва уларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва қон таҳлилларини текшириш жараёнларида қон билан алоқада бўлувчи тиббиёт ходимлари меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган шахслар жумласига киритилиб, уларга имтиёзлар берилгани, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 10-бандида ушбу тоифадаги тиббиёт ходимлари даромад солиғидан озод этилгани, аммо улар бу имкониятдан фойдалана олмаётганлиги баён этилган.

4-бет

Инсон манфаати — ҳар нарсадан устун

ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ҚУЛАЙ, АРЗОН ВА ТЕЗКОР

Бугун мамлакатимизда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак" тамойили асосида фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, улар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ Президентимизнинг Халқ қабулхоналари ва Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги, шаҳар ва туманларда унинг марказлари ташкил этилганлиги ҳам фуқароларга тезкор ва қулай, сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлашга қаратилган.

Аввалги "ягона дарча" марказлари фақат тадбиркорларга хизмат кўрсатган бўлса, давлат хизматлари марказлари аҳолига ҳам турли енгилликлар тақдим этмоқда. Уларнинг Халқ қабулхоналари билан бир жойда фаолият олиб бориши фуқаролар муаммоларини жойида ҳал қилиш, жисмоний ва юридик шахсларга тез, қулай, шаффоф хизмат кўрсатишда қўл келмоқда. Энди фуқаронинг ва юридик шахс вакилининг тегишли ҳужжатни расмийлаштириши учун у ёки бу идорага вақт сарфлаб қатнашига ҳожат йўқ. Барча ҳужжатлар электрон тизим орқали ҳаракатланади. Бу давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" деган муҳим тамойилни жорий этиш имконини беради.

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишда асосий эътибор навбатда туришларни кескин камайтириш, сансоларликнинг олдини олиш, халқнинг давлат идораларидан рози бўлишига қаратилмоқда.

Кундалик ҳаётда ҳар биримиз дуч келадиган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш, болани мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш, ҳужжатларни расмийлаштириш каби масалалар эндиликда давлат хизматлари марказлари зиммасига юклатилди. Бу нафақат сарф-харажатларни, балки инсон учун қимматли бўлган вақтни тежаш, ундан унумли фойдаланиш имконини яратмоқда.

— Ҳар бир инсон ҳаёти давомида, жамиятнинг у ёки бу соҳаси билан боғлиқ ҳаракатида давлат органлари билан дуч келиши муқаррар.

5-бет

Бугуннинг гапи

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

ОТА-ОНА БУГУН УЛАРНИНГ ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАЯПТИ?

Халқимизда бола бошидан, деган пурмаъно гап бор. Шунинг учун мамлакатимизда таълим-тарбиянинг илк бўғини бўлган мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу болажонларнинг соғлом, чуқур билимли бўлиб камолга етишига, келажагимиз учун муносиб ворисларни улгайтиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

...Қўшним Нафисахон куни бўйи ишда, фарзанди боғчада бўлади. Бироқ у ҳар куни ишдан вақтли чиқиб кетишга мажбур экан. Айтишича, фарзандининг гуруҳ тарбиячиси кеч қолган (аслида соат 17:30 дан кеч қолмас экан) ота-оналарга яхши муомала қилмас, ҳатто баъзи пайтлари болаларни бошқа гуруҳ тарбиячиларига ташлаб кетган ҳолатлар ҳам бўлган.

Қизиқ ҳолат: ота-она фарзандини мактабгача таълим масканидан 18:00 га қадар олиб кетиши керак, аксарият идора ва ташкилотларда ҳам иш шу вақтда тугайди. Эр ва хотиннинг иккаласи ҳам ишласа, фарзандни эса боғчадан оладиган бошқа одам бўлмаса, нима қилиш керак?

6-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
24 (508) 2018 йил 13 июнь, чоршанба

ҲУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Натижада 2 минг 400 тонна шарбат, 3 минг 600 тонна сараланган анор доначалари, 4 минг тонна қадоқланган анор тайёрлаш имконияти яратилади.

Шу ернинг ўзида вилоятда агрологистика маркази, анорзорлар ташкил этиш, паррандачилик, чорвачилик, туячилик, балиқчилик, лимон, уруғлик картошка етиштириш, асаларичиликни ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Анор ҳар қандай камёб мева каби даромад манбаидир. Бугунги кунда мамлакатимизда анорчиликни биладиган мутахассис кам. Фарғона давлат университетида анорчиликни ривожлантириш кафедраси очиб, янги навлар яратиш, мутахассислар тайёрлаш керак. Шунда бу соҳадан кўпроқ даромад олиб, маҳсулотни хорижга экспорт қилиш мумкин, деди Президентимиз.

Марғилон шаҳридаги "Наримтекс" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати ва ўзига хос дизайни билан харидорларга манзур бўлмоқда. Корхона замонавий технологиялар асосида жиҳозланган. Бу ерда экспорт ҳажмини ошириш борасида доимий изланишлар олиб борилмоқда.

"Наримтекс" ташкил этилган 2008 йилда оддий тикув машиналарида хотин-қизлар кийимлари тикиларди. Мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва преференциялар корхонани ривожлантириш имкониятларини кенгайтирди. 2012-2015 йилларда хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилинди. Замонавий бичиш-тўқиш, безак бериш ва тикув машиналари келтириб ўрнатилди. Натижада корхона пальто, куртка, костюм, пиджак каби маҳсулотлари билан истеъмол бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди, янги иш ўринлари яратилди.

Ўтган йили "Наримтекс" 632 минг долларлик маҳсулот экспорт қилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 800 минг долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, тикувчи аёллар билан мулоқотда бўлди.

– Хотин-қизларнинг муносиб ҳаёт кечиришида кийиниш маданиятининг ўрни катта. Либоси ўзига ёқса, ярашса, аёл кишининг кайфияти яхши бўлади. Бундай чиройли ва бежирим, замонавий ва айни пайтда миллий менталитетимизга мос кийимларни кийган хотин-қизларнинг дунёқараши ҳам кенгаяди. Бу йўналишни ривожлантириш учун ҳамма шароитни яратиб беришга тайёрмиз. Чунки аёлларни ҳаётдан рози қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ички ва ташқи бозорда ўрин топиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб этиш, ишчи-хизматчиларнинг малакасини доимий ошириб бориш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Фарғона вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари билан танишди.

Вилоятда хорижий сармояларни тўғридан-тўғри жалб қилишга қаратилган инвестициявий хаб ташкил этилмоқда. Хориждаги доимий офислар, биродарлашган шаҳарлар ва юртимиздаги чет эллик ишбилармонлар орқали бу хабга 161 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб қилиш режалаштирилмоқда. Ушбу маблағни янги корхоналар очиш ва мавжудларини модернизация қилишга йўналтириб, 2 минг 700 дан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, мазкур инвестициявий хаб вилоятдаги эркин иқтисодий зоналар ва инновацион марказлар билан ҳам ишлайди.

Президентимиз бу тизимни такомиллаштириш, бундай хабларни бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этиш, иқтисодий барқарор корхоналарни кўпайтириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Фарғона вилоятидаги саноат корхоналарига инвестиция жалб этиш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, ёшларнинг инновацион ишланмаларини қўллаб-қувватлашга оид лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шу асосда бу ерда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Боғ майдони 16,7 гектар бўлиб, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилган, гулзор ва майсазорлар ташкил этилган. Унинг марказида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ҳайкали ўрнатилган.

Шавкат Мирзиёев ижодкорлар боғини бориб кўрди. Эркин Воҳидов ҳайкали пойига гул қўйди.

– Ушбу боғ ёшлар маънавиятини юксалтирадиган масканга айланиши керак. Бу ерга келувчилар Эркин Воҳидов шеърларидан баҳраманд бўлиб, маънавий оламини янада бойитсин, – деди давлатимиз раҳбари.

Боғда, шунингдек, Эркин Воҳидов номидаги ижтимоий фанлар йўналишидаги истеъдодли ёшлар мактаб-интернати, Эркин Воҳидов мемориал музейи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими биноси, Нуронийлар маскани, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 1500 ўринли амфитеатр, ош маркази ва бошқа инфратузилма объектлари қурилган. Президентимиз таъбири билан айтганда, Марғилонда янги маънавият ўчоғи барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари мемориал музейдаги экспонатларни кўздан кечирди. Бу маскан ҳақиқий маънавият ўчоғи бўлиши, бу ерга ўқувчи ва ёш ижодкорларни кўпроқ олиб келиш зарурлигини таъкидлади. Вилоятда бир йилда икки марта Воҳидовхонлик кунларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Нуронийлар масканида меҳнат фахрийлари билан суҳбатлашди.

Президентимиз Олтиариқ туманидаги "Исмоил Нозим обод" фермер хўжалигида бўлиб, мазкур хўжалик мисолида Фарғона вилоятида пахта ва ғалладан олинадиган ҳосилни кўпайтириш ва такрорий экин экиш бўйича амалга ошириладиган ишлар билан танишди.

2006 йили ташкил этилган мазкур хўжалик 60 гектарда деҳқончилик қилади. Қишлоқ хўжалигида яратилаётган имкониятлар, фермер хўжаликларини ёнилғи-мойлаш материаллари, маблағ ва минерал ўғитлар билан таъминлаш тизими изчил йўлга қўйилаётгани натижасида жорий йилда 30 гектар ғалла майдонидан 85-90 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, 30 гектар ерда ғўзанинг "Наманган-77" нави парваришланмоқда.

Давлатимиз раҳбари пахта даласини, ғалла ўрим-йиғимининг боришини кўздан кечирди. Вилоят деҳқон ва фермерлари билан ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан мулоқот қилди.

Қишлоқ хўжалиги учун мураккаб келган жорий йилда фермерлар олдида сувдан омилкорлик билан, тежамли фойдаланиш, такрорий экин экиладиган майдонларни тўғри белгилаш ва ҳосилдорликни ошириш, уруғ сифатини яхшилаш бўйича долзарб вазифалар турганини таъкидлаб, мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Олтиариқ тумани Қапчиғой маҳалласидаги "Smart kids" нодавлат мактабгача таълим муассасасини бориб кўрди.

Давлат-хусусий шерикчилик асосида ишга туширилган ушбу боғча 210 ўринга мўлжалланган. Кичкинтойларни ҳар томонлама ривожлантирадиган ўйинчоқ ва инвентарлар билан жиҳозланган. Бугунги кунда Фарғона вилоятида 38 та шундай замонавий мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда.

Шу ерда мамлакатимиз мактабгача таълим тизимида татбиқ этилаётган Интеграциялашган мониторинг электрон тизими тақдимоти ўтказилди. Бу тизимда ҳар бир боланинг туғилишидан то вояга етгунга қадар бўлган ҳолати, соғлиги, улғайиши, ўзлаштириши ҳақида маълумотлар жамланади. Шунингдек, унда тарбиячилар, боғчалар, уларга эҳтиёж тўғрисида ҳам барча ахборотлар бўлади.

– Бу таълим-тарбия тизимининг асоси, ўзига хос ойнаси, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ундаги маълумотларни кузатиш, таҳлил қилиш орқали таълим-тарбияда нималарга эътибор беришимиз кераклигини аниқлаймиз. Бизнинг фарзандларимиз энг яхши, замонавий шароитларга муносиб.

Президентимиз ушбу электрон тизимни маълумотлар билан тўлдириш, уни таълимнинг кейинги босқичларида ҳам қўллаш бўйича топшириқлар берди.

Шу куни Олтиариқ туманида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йиғилишда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

бешинчидан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўйича давлат хизматларини жойларга чиқиб кўрсатишнинг кенг ва тизимли амалиёти йўқлиги, олис ва бориш қийин бўлган туманлардан ФҲДЁ органларига бориш учун транспорт харажатларининг юқорилиги, аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданияти даражасининг етарли эмаслиги туғилган болаларни туғилиш ҳолатининг тегишли қайд этилмасдан қолиши хавфини юзага келтирмоқда, бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган болаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишга, жумладан, бепул тиббий ёрдам ва таълим олишига таъсир ўтказиши мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ФҲДЁ органларининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидагилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш институтини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчи – ваколатли органларда туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш каби воқеа ҳамда фактларни кенг қамровли қайд этиш йўли билан фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш;

иккинчи – энг муҳим юридик фактларни қайд этмасдан қолдириш оқибатларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш;

учинчи – ФҲДЁ органларининг оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оила ажралишларининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларда фаол иштирок этиш;

тўртинчи – ФҲДЁ органлари фаолиятида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини енгиллаштиришга, жумладан, ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига бормасдан хизматлар кўрсатилишига, хизматларнинг сифати ва тезкорлигини оширишга, экстерриториаллик принципи асосида архив маълумотномалари ва ахборотини олиш имкониятини берувчи фуқаролик ҳолати ягона электрон архивини шакллантиришга қаратилган инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш;

бешинчи – фуқаролик ҳолати юридик фактларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида қайд этиш борасида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни амалга оширувчи органлар маҳаллий давлат ҳокимияти, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, васийлик ва ҳомийлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

олтинчи – мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишининг олдини олишга қаратилган идораларо электрон ҳамкорликни кенгайтириш орқали, жумладан, олис жойлардаги аҳоли пунктларига чиққан ҳолда ("мобиль давлат хизматлари") давлат хизматлари кўрсатишнинг мақбул ва қулай услубларини ишлатиш;

еттинчи – ФҲДЁ органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида қулайликни ва шаффофликни таъминлаш, ходимлар томонидан касб этикаси қоидалари ва функционал вазифаларга амал қилиш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини сифатли ва тезкор қайд этиш, давлат божи ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ундирилиши устидан назоратнинг янги шаклларини, жумладан, масофавий назоратни жорий этиш;

саккизинчи – аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини оширишни назарда тутган ҳолда давлат божи ставкаларини, герб йиғимларини ва ФҲДЁ органлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизмат тарифларини оптималлаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5415-сон Фармонига асосан 2018 йил 1 июлдан бошлаб ФҲДЁ органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, "ФҲДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимини юритиш, ФҲДЁнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФҲДЁ органлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари тасарруфига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мажбуриятларни мувофиқ тақсимлаш ва жавобгарлик соҳаларига асосан:

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ФҲДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари (кейинги ўринларда – ФҲДЁ бўлимлари) фаолияти, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш устидан умумий раҳбарликни амалга ошираси;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг ўринбосарлари – туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари раислари оилани мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз вақтида қайд этиш, тарғибот ва маърифат бўйича чора-тадбирларни кўришга шахсан масъул ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг директори ФҲДЁ бўлимларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, "ФҲДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимини техник таъминлаш ва юритиш, шунингдек, ФҲДЁ архивларига раҳбарлик қилишга масъул ҳисобланади;

туманлар (шаҳарлар) ФҲДЁ бўлимлари мудирлари қайд қилинаётган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг қонунийлиги учун шахсан масъул ҳисобланади.

4. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2018 йилнинг 1 июлидан:

никоҳ шартномасини ва алимент тўлаш ҳақида келишувни нотариал тасдиқлаганлик;

судлар томонидан оталикни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек, туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўрганлик учун давлат божи ундирилиши бекор қилинсин.

6. ФҲДЁ органларини, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларини ва фуқаролар йиғинларини қатъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳномалар бланкалари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъминлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус ғазначилик ҳисобварағига герб йиғимидан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи, шунингдек, ФҲДЁ бўлимлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус ташкил қилинадиган ғазначилик шахсий ҳисобварақларига йўналтирилади ва фақат ФҲДЁ бўлимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлари, ходимларининг узоқ муддат хизмат қилгани учун иш ҳақига устама ҳақ тўлаш ва мартаба даражалари учун қўшимчаларига, шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришга (лавозим маошининг ва мукофотларнинг 100 фоизи миқдоригача шахсий устамалар) ишлатилади;

махсус ташкил қилинадиган ғазначилик шахсий ҳисобварақларига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2019 йилнинг 1 январидан бошлаб ФҲДЁ органлари билан туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашишни йўлга қўйиш, шунингдек, туғилиш ва ўлим ҳақида ягона ноёб кодли унификацияланган электрон маълумотнома беришнинг ягона тартибини жорий қилсин;

2019 йил 1 январга қадар фертиль ёшидаги аёлларни ҳисобга олиш ва ҳомиладорликнинг эрта босқичидан чақалоқ туғилгунига қадар ҳисобини олиб боришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уни "ФҲДЁ ягона электрон архиви" ахборот тизими билан интеграция қилишни таъминласин.

9. Махфий.

10. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2018 йил 1 июлга қадар ФҲДЁ бўлимлари томонидан фойдаланилаётган бино ва иншоотлар қисмини ҳамда уларга тегишли жиҳозлар, инвентарлар, ҳужжатлар ва бошқа мулкларнинг белгиланган тартибда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига берилишини таъминлайди;

ФҲДЁ органлари томонидан фойдаланилаётган бино ва иншоотларнинг бир қисми ўз мақсадларида фойдаланиш учун адлия органларида сақланиб қолинади;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятларига берилган ФҲДЁ бўлимларининг бино ва иншоотларидан кейинчалик бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳамда уларни бегоналаштиришга фақат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишилган ҳолда рухсат берилади.

11. Қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш ва кейинчалик уларни ФҲДЁ органларида қайд этилишини таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилигида 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин.

Ҳудудий комиссиялар:

2019 йилнинг 1 июлига қадар қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш нуқтаи назаридан тўлиқ хатловдан ўтказсин, унинг натижасида туғилганлик, ўлим ҳолатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ манзилли қайд этилишини таъминласин;

ўз фаолиятида туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси мавжуд бўлмаган болаларни аниқлашга алоҳида эътибор қилсин, бунда "Биронта ҳам бола қайд этилмасдан қолиши мумкин эмас" ва "Туғилганликни қайд этилиши – бола ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишининг ва фуқаролик бўлмаслигини олдини олишнинг ҳуқуқий асосидир" деган эзгу ғояларга амал қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

кейинчалик "Ягона электрон ФҲДЁ архиви" ахборот тизими билан интеграция қилиш учун ФҲДЁ органларида сақланаётган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини рақамли кўринишга ўтказилишини, ягона электрон ФҲДЁ архив фонди шакллантиришни 2022 йил 1 январга қадар тугатсин;

далолатномалар ёзувлари маълумотларини "Ягона электрон ФҲДЁ архиви" ахборот тизимига киритиш бўйича ишларни бажариш учун юридик шахслар билан пудрат шартномаларини тузсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 1 сентябридан давлат божи, герб йиғимлари ва бошқа тўловларни тўлашда электрон тўловлар (биллинг) механизмни тўлақонли жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 январидан бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қайд этилишида чақалоқларга жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами берилишини амалиётга жорий этсин.

13. 2021 йилнинг 1 июлига қадар муддатда фуқаролик ҳолати далолатномаларини рақамли кўринишга ўтказиш, идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган сканер қилиш қурилмалари, сервер ва бошқа жиҳозлар ҳамда эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда қуйидагиларни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилсин:

ФҲДЁ органлари ҳамда ФҲДЁ бўлимлари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомлар;

ФҲДЁ бўлимлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар ва тариф коэффициентлари;

ФҲДЁ бўлимларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган ҳар ойлик устама ҳақ миқдорлари;

мартаба даражалари учун судлар ва адлия органлари ходимларининг лавозим маошларига қўшиладиган қўшимча ҳақ миқдорлари.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 12 июнь

Фракция позицияси

ЧИЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР ЧЕКЛАНМОҚДА

БУ БОРАДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ТАШАББУСКОР БЎЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Бугун мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлиги ҳамда даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов. — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар давлатимиз раҳбарининг "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори асосида янги босқичга кўтарилади. Мазкур қарорда ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор чора-тадбирлар назарда тутилган. Жумладан, дастурда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида, энг аввало, олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли таъминлаш, конституциявий тузумни ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни сақлаш ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсад-вазифаси ҳисобланади. Шу боис ҳам мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга, конституциявий тузум ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни сақлашга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизликни шакллантиришга, экстремизм соҳасида қонунбузилишларнинг ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйишга, уларнинг оқибатларини бартараф қилишга хизмат қилади. Шунингдек, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга, умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларни амалга оширишга имкон беради. Қонун лойиҳасида экстремизмга қарши курашишнинг асосий принциплари ва йўналишлари, унга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ва амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари белгиланмоқда.

ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Унга мувофиқ тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилади. Хусусан, аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга кўмаклашилади. Қишлоқ ва маҳаллаларнинг ҳунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш каби фаолиятини ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган, ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорлар маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктирилиб, мини-кластерлар ташкил этилади. Бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбалари яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорлар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади. Дастурни амалга ошириш учун тегишли ишчи гуруҳлари тузилгани, дастур ижросини мувофиқлаштириш, тизимли мониторинг қилиш ва рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш бўйича координаторлар белгиланган эътиборга молик. Бир сўз билан айтганда, ушбу қарорда кўзда тутилган мақсад-вазифалар аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларга қулайлик яратиш, янги иш ўринлари ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, партия ташкилотлари ҳамда фракциямиз аъзолари жойларда мазкур қарор мазмун-моҳиятини, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини аҳоли ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилишимиз лозим. Бу, ўз навбатида, партия электорати бўлган ҳунармандлар, касаначилар ва оилавий тадбиркорлар учун ҳам кенг имконият яратади.

Фракция аъзолари қарор ижросини таъминлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг депутатлар "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, экстремизмдан шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёш авлодни ёт ғоялар таъсиридан асраб-авайлашга қўмаклашиш сингари дастурий вазифалар ижросига хизмат қилишини таъкидлаб, ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда ЎзМТДП фракцияси аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Маълумки, ҳозирда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ресторан, кафе, бар, клуб ва бошқа жамоат жойларида электрон сигареталар ва чилим чекиш оммалашиб бораётир. Кўпчиликда бу турдаги маҳсулотларнинг зарари кам, деган янглиш тушунча мавжуд. Аммо уларнинг инсон саломатлигига зарари тамаки маҳсулотларининкидан қолишмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бир йилда дунё бўйича 7 миллион одам, жумладан 6 миллион нафардан ортиғи ана шундай маҳсулотларни бевосита истеъмол қилиши натижасида вафот этган бўлса, 900 мингдан зиёди чекувчилар ёнида ёки чилим чекилган хонада бўлиши оқибатида ҳаётдан кўз юмган. 2030 йилга бориб бу кўрсаткичнинг 8 миллионга етиши тахмин қилинмоқда. Чунки саратон касалликларининг 71 фоизга, сурункали нафас йўли касалликларининг 42, юрак қон-томир касалликларининг 10 фоизга яқини фаол ёки кам чекиш натижасида пайдо бўлиши аниқланган.

Шу мунособат билан ЎзМТДП фракцияси аъзолари чилим ва электрон сигареталарни истеъмол қилишнинг инсон саломатлиги учун зарарли оқибатларини ўрганди. Ўрганиш натижалари чилим ва электрон сигареталарни чекиш инсон соғлиғига тамаки маҳсулотларига нисбатан кўпроқ салбий таъсир қилишини кўрсатди.

— Ўрганишларимиз давомида электрон сигареталар ва чилим чекишнинг аҳоли саломатлигига таъсири тамакидан ҳам кўра юқори эканлиги, чилим чекиш жараёнида организмга ис газидан ташқари катта миқдорда хром, никотин, қўрғошин, смола, формальдегидлар, бензоллар, полициклик углеводлар, карбоксигемоглобин ва бошқа зарарли бирлашмаларнинг тушишини аниқладик, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Зумрад Бекатова. — Бу эса юрак қон-томир, ўпка ва нафас йўллари касалликларига, овқат ҳазм қилиш тизимлари фаолиятининг бузилишига, онкологик касалликлар ривожланишига, жинсий ва репродуктив қобилиятнинг сусайишига олиб келади. Тамаки маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган санитар меъёр ва қоидалар талабларига риоя этилган стандарт ва технологиялар асосида тайёрланади. Бироқ чилим чекишда фойдаланиладиган қўшимчалар турли хил бўлиб, таркиби номаълум. Уларнинг сифати ва таркибига бўлган талаблар қонунчиликда кўзда тутилмаган. Чилимда фойдаланиладиган, никотинсиз аралашмалар ҳам инсон саломатлиги учун барча ёнувчи моддалар каби хавфли ва зараралидир. Шунингдек, чилим чекишда тамаки маҳсулоти ва мевали аралашмалар билан бир қаторда камроқ миқдорда бўлса-да наркотик моддалар (наша) ва соғлиқ учун зарарли бўлган бошқа ингредиентларни истеъмол қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, фильтр вазифасини ўтовчи сув ўрнига аксарият ҳолларда таъсир кучини ошириш мақсадида спиртли ёки спиртсиз бошқа ичимликлардан фойдаланилади. Шу билан бирга, чилим ва электрон сигареталарни гуруҳ бўлиб чекиш гигиена талаб ва қоидаларига мос келмайди — оғиздаги сўлак трубка орқали бир инсондан иккинчисига ўтади. Натижада гепатит, стафилакок, сил, грипп, герпес ва бошқа юқумли касалликларни юқиш хавфи кўп марта ошади.

Амалдаги қонунчилигимизда чилим ва электрон сигарета, шунингдек, чилим ва электрон сигарета чекиш учун аралашмалар тўғрисидаги тушунчалар мавжуд эмас. Шунингдек, чилим ва электрон сигареталар истеъмол қилишни реклама ва тарғиб қилишга йўл қўймаслик тўғрисида тақиқ белгиланмаган. Бунинг оқибатида чилим ва электрон сигарета чекиш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шу муносабат билан ишлаб чиқилган "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида чилим ва электрон сигареталарни чекиш мумкин бўлмаган жамоат жойлари таркиби аниқлаштирилмоқда, уларни реклама қилишни чеклаш ва тарғиботини тақиқлашга оид меъёрлар киритилмоқда. Шунингдек, жамоат жойларида тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга масъул шахслар ва уларнинг мажбуриятлари белгиланмоқда. Чилим ва электрон сигареталар чекиш учун жамоат жойларида хоналар ва жойлар ажратиш, шунингдек, жамоат жойларида чилимлар, чекиш аралашмаларини фойдаланиш учун тақдим этиш тақиқланмоқда, — деди депутат.

Дарҳақиқат, чилим ва электрон сигареталар чекиш, айниқса, ёшлар орасида гўёки замонавийлик белгиси сифатида кенг тарқалаётгани ачинарли ҳол. Шундай экан, ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг ташаббуси асосидаги мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниши жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекиш кенг тарқалишининг олдини олади. Чекмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайди ёки тамаки тутунидан заҳарланишини бартараф этади. Энг муҳими, чилим ва электрон сигареталар чекилиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар, шунингдек, гуруҳ бўлиб чекиш оқибатида юқиш хавфи бўлган юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга хизмат қилади.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси партия дастурий вазифалари ижросига қаратилганини таъкидлаб, уни концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Шунингдек, йиғилишда "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида белгиланган талабларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда яна бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акция

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан қувват берувчи (энергетик) ичимликларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири, унинг истеъмоли ва ишлаб чиқарилишини тартибга солишга оид акция ташкил этилди. Партиянинг Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Сурхондарё, Наманган вилоят ҳамда бир қатор шаҳар ва туман кенгашлари "Энергетик ичимликларнинг салбий оқибатлари" ва "Биз ёшлар энергетик ичимликларга қаршимиз!" шиори остида ўтказган ушбу акция доирасида ёшлар ўртасида энергетик ичимликлар истеъмоли қай даражада эканлиги хусусида ижтимоий сўровнома ўтказилди, мутахассис шифокорлар қувватбахш ичимликларнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтиришлар берди. Бундан ташқари, энергетик ичимликларнинг таъсирини баҳолаш мақсадида кўнгиллилар иштирокида тиббий текширувлар ўтказилди.

"БИЗ ЁШЛАР ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАРГА ҚАРШИМИЗ!"

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ АНА ШУНДАЙ ШИОР ОСТИДА АКЦИЯ ЎТКАЗДИ

Газетамизнинг аввалги сонларида бир неча бор энергетик ичимликларнинг зарари, уларнинг истеъмолини тақиқлаш, вояга етмаганларга сотилишининг ҳамда бундай қувват берувчи ичимликларни меъёрдан ортиқ истеъмол қилинишининг олдини олиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш, айниқса, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида мақолалар берган эдик. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ёшлар ўртасида қувват улашувчи ичимликларнинг зарарли оқибатларини кенг тарғиб-ташвиқ қилаётгани, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ушбу турдаги ичимликлар муомаласига оид қатъий меъёрлар ўрнатилаётгани хусусида тўхталиб ўтган эдик. Дарҳақиқат, мазкур қонун лойиҳада энергетик ичимликларни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш, ёши ва жинсидан қатъи назар, барча шахсларга бепул тарқатишни маън этиш кўзда тутилмоқда. Ушбу турдаги ичимликларнинг рекламаси ва савдосини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари бинолари, жамоат жойлари, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари ҳамда спорт, ижтимоий ва маданий тадбирларда аудио, визуал ва мултимедиа воситалари, матн, кўргазмали қўлланмалар, баннерлардан фойдаланган ҳолда амалга оширишни чеклаш ҳамда белгиланган тартибни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш каби масалалар ўз аксини топгани эътиборлидир.

Марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари ташкил этган акция шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтириш, тарғиботни кучайтиришга қаратилди. ЎзМТДП Марказий кенгаши ўтказган акция доирасида кўнгилли фуқаро Халил Жулдибоевда тиббий текширув ўтказилди. Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасида терапевт, кардиолог кўриги ташкил этилди ва ундан қон анализлари олинди. ЭКГ, қон таҳлили текширувлари ва қон босими ўлчангани, ҳаммаси меъёрида экани қайд этилди.

Синов тариқасида фуқаро энергетик ичимликни истеъмол қилгандан сўнг бир оз муддат ўтгач, шифокорлар қайта текширувлар олиб борди. Натижа эса салбий: Халил Жулдибоевда қон босими ошгани, юрак фаолияти тезлашгани, қанд миқдори кутилганидан юқори кўрсаткичда экани маълум бўлди.

Худди шунингдек, Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази" биносида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти кенгаши ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Наманган вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган акция доирасида икки нафар кўнгилли ёш тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Энергетик ичимликлар бир қарашда витаминга бой фойдали ичимликдек туюлади, аммо унинг таркибидаги шакар ва психотроп модда — кофеин моддаси (!) борлиги ҳам қарамлик, ҳам тана зўриқишига олиб келади, — дейди Наманган вилояти наркология диспансери бош шифокори Жамолиддин Шералиев. — Бунинг оқибатида инсон организмида турли жараёнлар — жиззакилик, уйқусизлик, нерв-асаб тизимининг ишдан чиқиши каби салбий оқибатлар бошланади, инсон танаси жуда оғир ҳолатга тушиб қолади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам қувватни оширувчи ичимликларнинг салбий таъсирлари мавжудлиги ҳақида огоҳлантирган. Тобора оммалашаётган бу ичимлик одамларда юрак хуружи, ваҳима, кўриш қобилияти сусайиши, ақлий нуқсонлар, бош оғриши ва мигрень, бетоқатланиш, асабийлашиш, инсулинга боғлиқ бўлмаган қандли диабет, қон босими ва бошқа касалликларни келтириб чиқармоқда. Шу боис бу каби ичимликларни истеъмол қилишдан аввал унинг оқибатларини унутмаслик лозим.

Дарҳақиқат, фойдасидан зарари кўп ичимликнинг вақтинчалик "қувват улашиши", аслида эса инсон саломатлигига ниҳоятда хавф туғдириши ЎзМТДП томонидан ўтказилган акция доирасидаги тиббий текширувлар ва синов тариқасидаги ташхисларда ўз аксини топди...

АҚШлик тадқиқотчилар гуруҳи энергетик ичимликлар таркибида кофеин моддаси бўлган бошқа ичимликларга қараганда кўп маротаба хавфли эканини аниқладилар. Мутахассислар энергетик ичимликлар юракдаги QT интервали (юракнинг электрик систоласи)ни ўртача 2 соатда 10 миллисонияга оширади, деган хулосага келдилар. "Агар миллисонияларда ўлчанадиган ушбу вақт оралиғи ҳаддан ташқари узун ёки калта бўлса, юрак уришида жиддий ўзгаришлар юз беради. Бу эса, ўз навбатида, ҳаёт учун хавфли бўлган аритмияга олиб келиши мумкин", дея таъкидлайди олимлар.

Қувватни "қарзга" берувчи бу ичимликларнинг таркибида кофеиннинг юқори миқдорда бўлиши бора-бора юрак саломатлигига таъсир қилади. У, айниқса, юрак уришининг қисқаришига олиб келар экан. Жаҳон миқёсида бу ичимликдан болалар кўп зарар кўрмоқда. Спорт билан шуғулланмай, жисмоний фаол бўлмай туриб бу ичимликдан кунига 250 миллилитрдан ортиқ ичиш юрак фаолиятининг ишдан чиқишига сабаб бўлади. Тана қувват ичимлиги орқали озиқланадиган юқори миқдордаги кофеинга ўрганиб қолгач, унга эҳтиёж сезилиши билан бош оғрий бошлайди ва тобора кучаяди. Бу гўё гиёҳванд моддага ўрганиб қолишга ўхшайди. Бундан ташқари, ортиқча кофеин инсон миясида безовталикни келтириб чиқаради. Яъни энергетик ичимликка муккасидан кетиш юқори даражадаги саросимага сабаб бўлади.

Қолаверса, энергетик ичимлик таркиби шакарга ҳам бой. Бу ошқозоности безининг инсулин ишлаб чиқарувчи тўқималарини зарарлайди ва ўлдиради. Оқибатда инсулинга боғлиқ бўлмаган қандли диабетни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, меъёридан ортиқ энергетик ичимлик овқат ҳазм қилишни қийинлаштириб, кўнгилни айнитади. Ичимлик тананинг сувсизланишига, тишларнинг емирилишига, тери касалликларини келтириб чиқаришга ҳам сабаб бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, мамлакатимизда қувват улашувчи ичимликлар истеъмоли ва савдосини тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Кимдир унинг тақиқланишини маъқулласа, яна бир тоифа фуқаролар бу турдаги ичимликлар фойдали эканлигини бонг уришмоқда.

Хўш, бу борада халқаро тажрибада қандай амалиёт мавжуд?

Таркибида кофеин миқдори юқори бўлган қувват берувчи ичимликлар рекламаси, маркировкаси, сотилиши ва истеъмол қилиниши чеклови бўйича халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, айни вақтда қатор давлатларда, жумладан, Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон, Кентукки ва Мичиган штатларида, Бирлашган Араб Амирликлари, Дания, Исландия, Колумбия, Қувайт, Латвия, Литва, Мексика, Норвегия, Саудия Арабистони, Туркия, Уругвай, Франция ва Россия Федерациясининг 38 та субъектида бу каби ичимликларни вояга етмаганлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, асаб ёки юрак касалликлари мавжуд беморларга сотиш қатъиян ман этилган. Қозоғистонда фақат 16 ёшга етганларга бундай турдаги ичимликларни сотишга рухсат берилган.

Ҳозирги кунда Бирлашган Араб Амирликларида қувват берувчи ичимликларни сотиш мумкин бўлган истеъмолчилар ёшини 18 дан 20 гача ошириш масаласи муҳокама этиляпти. Францияда (у ерда йилига 60 миллион литр қувват берувчи ичимликлар истеъмол қилинади) истеъмол қилишни чеклаш мақсадида 2013 йил 1 октябрдан бу ичимликнинг ҳар бир литрига 1 евро миқдорида солиқ солиш тўғрисида қонун қабул қилинган. Латвияда энергетик ичимликларни сотиш бўйича қонунчилик ҳужжатларини бузган шахсларга нисбатан 175, Литвада эса 400 евро миқдорида жарима белгиланган.

Ўзбекистонда эса ЎзМТДП фракцияси аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳаси билан "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унга кўра, истеъмолчи 18 ёшга тўлмаган бўлса, унга қувват берувчи ичимликлар сотилмайди. Агар сотилса ёки сотиб олса, маъмурий жавобгарликга тортилади. Шунингдек, қонун лойиҳасида 18 ёшга тўлмаганлар орасида энергетик ичимликларнинг ҳар қандай тарғиботини маън қилиш, тиббиёт, спорт, таълим муассасалари, йўловчи ташиш транспортлари, жамоат жойларида, шу билан бирга, кундузги соат 7 дан тунги соат 22 га қадар электрон шаклдаги энергетик ичимликларни реклама қилишни тақиқлаш бўйича тегишли меъёрлар ўз аксини топган.

Бир сўз билан айтганда, вақтинча қувват улашадиган ичимликлардан воз кечиб, соғлом турмуш тарзини танлаш ҳар бир инсоннинг ўз иродаси ва ҳоҳишига боғлиқ. Бир муддатлик хушкайфият ва қувватга тўлишнинг қарзини бир умрга тўлашдан ўзимизни тия олайлик.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Муҳтарама КОМИЛОВА тайёрлади

MILLIY TIKLANISH
24 (508) 2018 йил 13 июнь, чоршанба

Депутат аралашуви билан...

Мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш, аҳолининг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янгича тизим яратилгани жойларда одамларнинг мурожаатларини тинглаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга амалий ёрдам бериш, муаммоларини ижобий ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ПОПДА 40 ТА ХОНАДОН ЭГАСИ

ЎЗ УЙ-ЖОЙИГА ҚОНУНИЙ ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ ОЛДИ

Тоғ ёнбағрида жойлашган Пардатурсун қишлоғи Наманган вилояти Поп тумани ҳудудидаги энг баҳаво, сўлим гўшалардан биридир. Ҳудуднинг катта қисмида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги "Пардатурсун" сиҳатгоҳи ўрин олган. Қишлоқ аҳолисини анчадан буён бир муаммо қийнаб келарди, яъни уларнинг ота-боболаридан мерос уй-жойларига ҳалигача қонуний эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд эмас, аҳоли яшаётган уйлар жойлашган ерлар сиҳатгоҳ ҳудудига қарашли эди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Нодиржон Мухторовнинг саъй-ҳаракати билан ҳудуд аҳолисининг узоқ йилдан буён ечим топмай келаётган мазкур муаммоси бартараф этилди.

— Депутатларнинг жойларга чиқиб аҳолини ташвишга солаётган масала-муаммоларини ўрганаётгани самарали кечмоқда, — дейди ЎзМТДП Поп туман кенгаши раиси Умидахон Сайфиддинова. — Очиғи, турли ташкилотларга мурожаат қилавериб чарчаган аҳоли умидини узиб бўлганди. Лекин унга партиямиздан Олий Мажлисга сайланган депутат Нодиржон Мухторов аралашуви билан ечим топилди. "Пардатурсун" сиҳатгоҳи ҳудудидаги 40 хонадон яшаётган жой туман ҳокимлиги заҳирасига қайтарилди. Депутат аҳоли билан учрашиб, уларга бу ҳақдаги қарорни ўқиб берганида, катта-ю кичик қувонганидан қарсак чалиб юборди, кексалар бугунги кунларимизга шукрона айтиб, халқ дарди билан яшовчи фидойи инсонларни алқаб, дуога қўл очдилар.

Аҳоли билан учрашувда Поп тумани ҳокими Аъзамжон Султонов ҳам иштирок этди. Уй-жойларни ҳужжатлаштиришда ҳокимлик кўмак беришини таъкидлади.

Бугун жойларда халқ ишониб сайлаган ҳар бир депутат одамларнинг ташвиши билан яшаса, ўз ишига виждонан, масъулият билан ёндошса, натижа самарали бўлиши шубҳасиз. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ишончини қозониш, партия нуфузи ошишига хизмат қилади.

Дилноза АЗИЗОВА,
ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Партия гуруҳларида

ДЕПУТАТЛАРДАН ЯНАДА ФАОЛЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши "Депутатлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари: муаммо ва ечимлар" мавзусида ўқув-семинар ташкил этди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вакиллари, ЎзМТДП вилоят кенгаши ходимлари, партия фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этди. Семинарда партия ташкилотлари ва гуруҳлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, маҳаллий Кенгаш депутатларининг электорат манфаатларини ифода этишга қаратилган ташаббускорлигини ошириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Семинарда ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Баҳодир Шаропов партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятини жонлантириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга эътибор қаратди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ишини янада кучайтириш, уларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббуслари самарадорлигини ошириш устувор вазифа эканлигини таъкидлади.

Тадбирда қайд этилганидек, шу йилнинг ўтган 5 ойи давомида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари 45 та, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари 175 та депутатлик сўровини амалга оширган. Мутасадди ташкилотларга юборилган сўровларнинг айримлари жавобсиз қолган, баъзи сўровларга "ҳал қилиб берамиз" қабилида жавоб қайтарилган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидан хабардор бўлиб, ўз электоратини ўйлантираётган масалалар юзасидан доимий равишда мониторинг олиб боришлари ҳамда маҳаллий Кенгаш сессияларида ташаббус билан чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришишлари лозим. Бироқ ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг бу борадаги фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Кенгаш сессияларига ҳамда доимий комиссия йиғилишларига масалалар, таклифлар олиб чиқишда оқсоқликка йўл қўйилаётганлиги таъкидланди. Айрим туман Кенгашларидаги депутатлар биронта ҳам депутатлик сўрови юборилмаганлиги танқид қилинди. Шунингдек, ўқув-семинарда депутатлар ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасини очиб, фаолияти ҳақида сайловчиларни хабардор қилиб бориши, аҳоли билан электрон мулоқотни йўлга қўйиши лозимлиги таъкидланди. Аммо бугун бу борадаги фаолиятни ҳам қониқарли деб бўлмайди.

— Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини, бой тарихий меросини асраб-авайлаш ҳамда бойитиш, миллий тикланиш ғояси асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифаларидан саналади, — деди ўқув-семинарда маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик паталасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев. — Ушбу дастурий мақсадлар ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда сиёсий партия ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ўртасида ғоялар, дастурлар ва электорат манфаатлари учун ўзаро кураш, соғлом рақобат кучайиб бормоқда. Бу эса юксак билимлиликни, ташаббускор бўлишни, масъулиятни чуқур ҳис этишни талаб этади. Шу боис халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг партия дастурий вазифалари ижросини таъминлашдаги ташаббускорлигини кучайтириш, депутатлар ва партия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарур.

Семинар якунида партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ҳамкорлигини кучайтириш, партия гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Исомиддин КАРИМОВ,
халқ депутатлари Ургут туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Ўқув-семинарда депутатлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Мавжуд муаммолар ечими бўйича аниқ кўрсатма ҳамда тавсиялар берилди. Бугун давр биздан ташаббус ва фидойиликни талаб қилмоқда. Модомики шундай экан, буни барча депутатлар, партия фаоллари чуқур англаб, шу йўлда сидқидилдан меҳнат қилиши, фидойиллик кўрсатиши, ўз ваколатларидан унумли фойдаланишлари лозим. Ўқув-семинар фаолиятимизга танқидий назар солиш, истиқболда қилиниши лозим бўлган вазифаларимизни белгилаб олишга имкон берди.

Садриддин ҚУРБОНОВ,
халқ депутатлари Нуробод туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Партиямиз ғояларини сайловчиларга етказиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ишончи ва эътиборини қозонишда партия ташкилотлари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. ЎзМТДП электорати бўлган ҳунармандлар, фан, маориф, маданият соҳаси вакилларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган муаммоларни бартараф этиш фаолиятимиз асосига айланиши лозим. Ўқув-семинарда таъкидланганидек, бугунги давр биздан ҳудудларни ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, улар билан биргаликда амалий ишлар олиб бориш, ҳудудларни ободонлаштириш, йўл қурилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, жойларда янги иш ўринларини яратишга кўмакдош бўлишимизни талаб этаяпти.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат сўрови — халқ сўрови

ЕЧИМИ ЙЎҚ МУАММО БЎЛМАЙДИ, АММО...

ОЁҒИ ЕРДАН УЗИЛГАН МУТАСАДДИЛАР 10 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИГА ЖАВОБ ҚАЙТАРМАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Партия вилоят кенгаши вакиллари ва халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Хушбоқ Муҳаммадиев мазкур мурожаатни ўрганиб, вилоят Давлат солиқ бошқармасига депутатлик сўрови юборди. Натижада мурожаат ижобий ҳал этилиб, депутатлик сўрови орқали вилоят қон қуйиш станциясининг 36 ходими ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Аммо афсуски, аҳоли мурожаатлари асосида юборилаётган депутатлик сўровига ўз вақтида жавоб қайтармайдиган ёки умуман эътибор қаратмайдиган мутасадди ташкилот ёки идоралар ҳам йўқ эмас. Масалан, вилоят молия бошқармасига юборилган 4, вилоят халқ таълими бошқармасига юборилган 3 депутатлик сўрови эътиборсиз қолдирилди. Ҳолбуки, бу сўровлар шунчаки бўлмай, уларда одамларни ўйлантираётган, ташвишга солаётган талай муаммо кўтариб чиқилган эди.

Шу йилнинг 28 февраль куни халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Сайфулла Турсунов юқорида тилга олинган депутатлик сўровларига жавоб олиш мақсадида иккинчи бор хат чиқарди, хатда юборилган депутатлик сўровларига ўз вақтида жавоб берилмагани, бунинг учун амалдаги қонунчиликда жавобгарлик белгиланган эслатилди. Аммо шундан кейин ҳам мутасадди идора ёки ташкилотлардан бирорта жавоб олинмади.

Бундан ташқари, 2017 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали ва соғлиқни сақлаш бошқармасига юборилган 3 сўров ҳам очиқ қолдирилган. Оёғи ердан узилган бундай мансабдорлар Президентимизнинг "Депутат сўрови — халқ сўрови, депутатга беписандлик — халққа беписандлик" деган сўзларини унутган кўринади. Акс ҳолда бундай ҳолат юз бермаган бўларди.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

ЎзМТДП лойиҳаси

Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети, Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида "Навоий ворислари" республика кўрик-танлови ташкил этилган эди. Куни кеча ана шу танловнинг якунлари ва хулосалари, 2018 йилда ўтказишнинг асосий шартлари бўйича ахборот бериш мақсадида видео-мулоқот бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят кенгашлари вакиллари, депутатлар, олимлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Видео-мулоқотда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова юртимизда ёшларнинг адабиётга, китобхонлик, хусусан, Алишер Навоий ижодига, унинг шеърият оламига бўлган қизиқиши кундан-кун ортиб бораётганини таъкидлади.

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ — БЕБАҲО ХАЗИНА

— Мамлакатимизда китобга, маърифатга юксак даражада эътибор қаратилаётир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бугунги китобхонга ҳатто енгил автомобиль совға қилинмоқда, — деди Ф.Муҳаммаджонова. — ЎзМТДП ёшларни китобга, хусусан, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ижодига бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида "Навий ворислари" кўрик-танловини ташкил қилди. Лойиҳанинг дастлабки натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудларда Навоий меросини чуқур ўрганган, истеъдодли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Кўрик-танловнинг бу йилги босқичларини ҳам юқори савияда ўтказишга алоҳида тайёргарлик кўрилаяпти. Мақсадимиз ёшларни китобхонликка, буюк аждодларимизнинг бой меросини чуқур ўқиб-ўрганишга жалб этишдан иборат.

Видео-мулоқотда бу йилги танлов шартлари ҳам эълон қилинди. Унга кўра, иштирокчилар тўртта: энг кўп ғазал ёд олиш, берилган ғазални бехато ва ифодали ўқиш, ғазаллар матнининг насрий (ёзма шарҳи) маъносини тушунтириш ҳамда қийин сўзларни изоҳлаш йўналишлари бўйича беллашади.

Тадбирда кўрик-танловнинг илк ғолиблари — Бухоро вилоятидан Ситора Исоқова, навоийлик Маржона Нодирқулова ҳамда фарғоналик Хосиятхон Сирожиддинова лойиҳа таассуротлари билан ўртоқлашди. Навоий ғазалларидан ўқиб, маъноларини шарҳлаб берди. Ҳазрат Навоийнинг 457 та ғазали ва бутун бошли "Лисонут-тайр" достонини ёд олган Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 30-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шаҳзодахон Раҳмонова ҳамда ғазалларни рус ва инглиз тилларида равон, ифодали тарзда ўқиб берган андижонлик Нозанинхон Саидхонова чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Алишер Навоийнинг бой адабий мероси ёшларни ҳамиша она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялайди, одамийлик ва меҳнатсеварликка чорлайди. Модомики, шундай экан, бу улкан маънавий меросни мунтазам ўқиш, чуқур ўрганиш ва ўқиш лозим. ЎзМТДПнинг ушбу лойиҳаси ана шундай эзгу мақсадга қаратилган.

Н.НОРМУРОДОВ

Халқ вакили фаолиятидан

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

Санжарали Имомов Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашига депутат сифатида 29-Бешқўрғон сайлов округидан сайланган. Сайланганига ҳали кўп бўлганига қарамай аҳоли дарду ташвишини ўзиникидан кам билмаган депутат қисқа муддат ичида амалга оширган ишлари билан кўпчиликнинг тилига тушди — қатъият ва шижоат билан халқ манфаати йўлида янги ва замонавий ташаббусларни дадил илгари суриб, сайловчиларга берган ваъдаларини бажариш йўлида тиним билмайди.

ЎзМТДП Чилонзор тумани кенгашига "Бешқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан мурожаат келиб тушди. Унда кўчаларнинг асфальт қопламалари яроқсиз ҳолга келиб қолгани, йўл белгиларини ўрнатиш ва баъзиларини қайтадан бўяш кераклиги ҳамда кўча ёриткичларини ўрнатиш юзасидан ёрдам сўралган эди. Шунингдек, мурожаатда юқоридаги муаммолар сабабли йўл-транспорт ҳодисалари юзага келаётгани, маҳалла энг йирик савдо мажмуаларидан бири — "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖга туташ ҳудудда жойлашгани боис, ҳатто ички кўчаларда ҳам транспорт серқатновлиги, бунинг натижасида ички йўллар тез-тез таъмирга муҳтож бўлиб қолаётгани баён қилинган.

Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутати Санжарали Имомов мазкур мурожаатни тегишли тартибда ўрганиб чиқиб, туман ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимига депутатлик сўрови юборди. Натижада қисқа вақт ичида мазкур ҳудуд кўчаларидаги йўл белгилари қайта кўриб чиқилди, баъзи жойларда янгидан ўрнатилди. Карвонсарой ва Чорбоғ кўчаларида жами 26 та ёритиш устунлари ва 71 та чироқ янгиланди, асосий кўчаларнинг пиёдалар ўтиш йўлаклари бўялди. Йўлларнинг таъмирталаб қисмлари жорий таъмирдан чиқарилди.

Санжарали Имомов депутат сифатида сайлов участкаси ҳудудидаги мактаб, оилавий поликлиника, маҳалла идораси каби ижтимоий инфратузилма объектлари фаолияти билан яқиндан танишди, уларнинг ҳолатини ўрганди, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашди.

— Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди "Бешқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоакмал Шопўлатов. — Маҳалламиз идораси яқинда тўлиқ таъмирдан чиқарилган эди. Депутат Санжарали Имомов маҳалла идораси шароити билан яқиндан танишганидан сўнг мажлислар зали учун 100 ўринли стол-стул жамланмаси ва уч дона кондиционер совға қилди. Маҳалла идорасида аҳоли билан доимий равишда учрашувлар ўтказиш мақсадида қабулхона ташкил этилган. Маҳалла фуқароларининг депутат билан юзма-юз мулоқоти давомида кўплаб катта-кичик масалаларга ечим топилаётир. Қолаверса, у аҳолининг ночор қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни канда қилмайди.

Дарҳақиқат, халқ вакили ўтган қисқа фурсат ичида ҳудуддаги турли масалаларда аҳоли вакилларига кўмакдош бўлди. Маҳалладаги 270-умумтаълим мактабига 60 ўринга мўлжалланган стол-стул жамланмаси, ўқув анжомлари, кондиционер ҳамда телевизор совға қилди. Ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун мактабга бокс ва қўл жанги, шахмат-шашка каби спорт турлари инвентарларини олиб берди.

Бундан ташқари, маҳалла ҳудудидаги 33-оилавий поликлиника ҳам депутат кўмагида зарур жиҳозлар билан таъминланди. Гап шундаки, поликлиника бош шифокори Абдукарим Муродов партия Чилонзор туман кенгашига тиббиёт муассасаси учун зарур жиҳозлар олинишида кўмак сўраб мурожаат қилганди. Мурожаатни ўрганиб чиққан Санжарали Имомов кўп ўтмай ҳомийлар кўмагида мазкур оилавий поликлиникага кондиционер, сув иситиш, нусха кўчириш қурилмалари ҳамда тиббий асбоб-ускуналар келтирилишига эришди.

— Маҳалламизда болалар майдончаси мавжуд эмас эди, — дейди туманнинг 1-Чорбоғ кўчаси 5-уйда яшовчи Мансур Рустамов. — Бу муаммо бўйича ЎзМТДП Чилонзор тумани кенгашига мурожаат қилдик. Мурожаатимиз беиз кетмади. Яқинда маҳалланинг фойдаланилмай келаётган ҳудудида халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Санжарали Имомов ташаббуси билан янги болалар майдончаси қурилиб, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига байрам совғаси сифатида фойдаланишга топширилди. Энди ушбу майдончада маҳалламизда истиқомат қилувчи оилалар фарзандлари спорт билан шуғулланиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши мумкин. Зеро, болалар — бизнинг келажагимиз. Агар ана шу келажак пойдеворини тўғри қўйсак, кўзлаган эзгу мақсадларимизга етишимиз шубҳасиз. Навқирон авлод мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришларни ҳозирданоқ ҳис этишлари керак, шунда уларнинг қалбидан жой оладиган она Ватан туйғуси ҳеч қачон сўнмайди.

Сирасини айтганда, депутат билан юзма-юз учрашувимиз қийин кечди: биз учун дарров бўш вақт топа олмади. Қўнғироқлашганимизда гоҳ ўз корхонасида, гоҳ маҳаллада, баъзан бирор бир ташкилотда муҳим иш, аниқроғи, одамлар ташвиши билан юрганига гувоҳ бўлдик. Унинг бу каби хайрли ишларидан яна кўп мисол келтириш мумкин. Аммо Санжарали Имомов юрт равнақи, маҳалла аҳлининг муносиб яшаш шароити учун қилган савобли ишларини кўз-кўз қилишни хоҳламайди. Фаол ва ташаббускор депутат "Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин", деган ақидага амал қилади. Бу каби жонқуяр депутатларимиз сони қанча кўпайса, аҳолининг партиямизга бўлган ишончи ҳам шунча ортиб боради.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Инсон манфаати — ҳар нарсадан устун

ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ҚУЛАЙ, АРЗОН ВА ТЕЗКОР

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шу боис одамлар оғирини енгил қилиш, уларга "давлат-фуқаро" муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан давлат хизматлари кўрсатишнинг янги концепцияси илгари сурилди, — дейди Агентлик директори Халилилло Тўрахўжаев. — Давлат хизматлари марказларининг асосий вазифаларидан бири аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилишдир. Агентлигимиз ўз зиммасига юклатилган ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш, давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва услубларини жорий этишни ташкил қилиш каби вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Янги, замонавий мобиль воситалар жойларда, айниқса, узоқ ҳудудларда фуқаро ва тадбиркорларимизга давлат хизматларини кўрсатишда қулайлик яратаётир.

> ***"Бу тизимдан энг катта мақсад — одамларнинг оғирини енгил қилиш. Ҳамма ҳудудларни ва хизматларни шу тизимга қамраб олсак, сарсончилик, адолатсизлик, коррупция бўлмайди".***
>
> **Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
> **Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Президентимизнинг 2018 йил 11 апрелдаги "Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда аҳоли ва юридик шахсларга давлат хизмати кўрсатиш қўлами ва сифатини янада ошириш, замон талаблари даражасига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорга биноан 2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб давлат хизматлари марказлари томонидан тажриба тариқасида 70-100 турдаги талаб юқори бўлган давлат хизматлари кўрсатиш назарда тутилган. Таъкидлаш жоиз, жорий йил 1 июнга қадар республикамиз бўйлаб жойлашган давлат хизматлари марказларида аҳолига инновацион технологиялар ва замон талабларига мос равишда 50 турдаги хизматлар кўрсатиб келинган бўлса, 1 июндан бошлаб яна 31 турдаги хизматлар қўшилди. Хусусан, фуқароларга ва тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида Наманган, Нукус, Андижон, Термиз, Когон, Зарафшон, Шаҳрисабз, Қўқон шаҳарлари, Дўстлик, Пастдарғом, Сирдарё, Чирчиқ, Хонқа туманлари, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туман давлат хизматлари марказларида туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали тажриба тариқасида янги турдаги давлат хизматлари кўрсатиш жорий қилинди. Эндиликда давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига жами 80 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

> ***Фуқаронинг ва юридик шахс вакилининг тегишли ҳужжатни расмийлаштириши учун у ёки бу идорага вақт сарфлаб қатнашига ҳожат йўқ. Барча ҳужжатлар электрон тизим орқали ҳаракатланади.***

Дарҳақиқат, давлат хизматлари марказлари бугун дори воситалари чакана савдоси билан шуғулланиш учун рухсатнома олиш, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш, ипотека тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини лицензиялаш, электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсат бериш ва бошқа соҳалар юзасидан давлат хизматларини кўрсатиб келаётир. 1 июндан бошлаб яна янги турдаги хизматлар — туғилганликни, ўлимни қайд этиш, ФҲДЁ органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш, такрорий гувоҳномалар бериш, фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувини тиклаш, унга ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш, Тошкент давлат юридик университетига ўқишга кириш учун ҳужжатларни топшириш, нотариат органлари томонидан архив ҳужжатларини, миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларининг янги намуналарини бериш, содда усулда, қисқа фурсатда амалга оширилади. Шунингдек, меҳнат органларида фуқароларни ишсиз сифатида рўйхатга олиш, ишсизлик нафақасини тайинлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш учун ариза бериш, туризм, ветеринария фаолиятларини амалга ошириш учун лицензия бериш, жисмоний шахс — солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа тўловлардан қарзи бор-йўқлиги ҳақида маълумотнома бериш, электр энергияси, табиий газ, сувни ҳисобга олиш (ҳисоблагич) ускунасини ўрнатиш, ечиш ва қиёслашга ариза топшириш каби бир қатор хизматлар аҳоли вакилларига енгиллик ва қулайлик яратади. Масалан, Тошкент давлат юридик университетига ҳужжат топшириш учун абитуриентлар мамлакатимизнинг олис ва чекка ҳудудларидан вақт ва пул сарфлаб, овора бўлиб юришмайди — ўз ҳудудидаги давлат хизматлари марказлари орқали ҳужжатларини топшириши мумкин.

— Бу йил қизим Тошкент давлат юридик университетига кириш учун ҳужжат топширмоқчи, — дейди қорақалпоғистонлик Айнура Раджапова. — Энди буни давлат хизматлари марказлари орқали ҳам амалга ошириш мумкинлигини эшитиб, хурсанд бўлдим. Чунки узоқ йўлга қизимнинг бир ўзини юбора олмаймиз, бирга бориб келиш эса ҳам вақт, ҳам ортиқча харажат дегани. Энди бунга ҳожат қолмади. Нукус шаҳридаги давлат хизматлари маркази орқали университетга ҳужжат топширамиз. Очиғи, аввал ушбу марказлар фаолияти ҳақида эшитиб, билиб юрардим. Аммо ўзимнинг ишим тушмагунга қадар уларнинг аҳамиятини тўла англаб етмаган эканман. Аслида давлат хизматлари маркази фуқароларнинг оғирини енгил, мушкулини осон, узоғини яқин қилишга, қолаверса, узоқ навбат кутишлар, сарсону оворагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилар экан. Юртимизда фуқаролар учун яратилаётган қулайликлар, замонавий шарт-шароит, давлат органлари ва мутасаддилар халққа беминнат хизмат қилаётгани ҳар бир ватандошимизни беҳад қувонтирмоқда.

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини оширишда, албатта, ҳудудларда фаолият кўрсатаётган давлат хизматлари марказлари фаолиятидан аҳолини кенгроқ хабардор қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки фуқаролар бу борадаги фаолиятдан тўла хабардор бўлган тақдирдагина тақдим этилаётган хизматлардан унумли фойдаланади. Давлат хизматлари агентлиги ва марказлари ушбу йўналишда ҳам муайян ишларни олиб бормоқда.

Агентлик директори Халилилло Тўрахўжаевнинг таъкидлашича, марказлар фаолияти ҳақида аҳолига янада кенгроқ тушунча бериш мақсадида вилоят, туман ва шаҳарларнинг аҳоли гавжум ҳудудлари, бозорлар, савдо мажмуалари, шунингдек, реклама устунларига давлат хизматлари, уларнинг турлари ва механизмини ифода этган баннерлар жойлаштирилган. Асосий ғояси бўлган "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" шиори остида юзлаб плакатлар, буклет ва кўргазмали тарғибот материаллари тарқатилган.

Давлат хизматлари марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур ахборот коммуникация технологиялари, хизмат машиналари билан таъминлаш борасидаги ишлар уларнинг фаолият самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлаётир. Бу барча, айниқса, олис қишлоқ ва ҳудудларда яшовчилар учун қулай. Давлат хизматлари сервисининг юқори сифати, тезкорлиги, шаффофлиги, қулайлиги ва фойдаланиш имконияти, мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларга йўл қўйилмаслиги аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, идораларо ҳамкорлик, энг аввало, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва ахборотларни тезкорлик билан олишни таъминловчи электрон ҳамкорликнинг таъминланаётгани турли йўналишдаги хизматларни тезкор амалга оширишда аҳоли вакилларига қулайлик яратмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этилаётган давлат хизматлари халқнинг оғирини енгил қилишга қаратилмоқда. Илгари фуқаролар битта маълумотнома олиш учун ҳам турли идоралар эшигида соатлаб, кунлаб, ҳатто ойлаб сарсон-саргардон бўлиши мумкин эди. Энди эса намунали хизмат кўрсатиш тизими ана шундай оворагарчиликларга барҳам беради. Буларнинг барчаси одамларнинг рози бўлиб яшашига асос бўлиши табиий.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Медиа-тур

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳамкорлигида Наманган шаҳрида ўтказилган медиа-тур Президентимизнинг Халқ қабулхонаси ва Давлат хизматлари маркази фаолиятини кенг тарғиб этишга қаратилди.

АСОСИЙ МАҚСАД — ОДАМЛАРНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ

Меда-тур иштирокчилари "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар, давлат хизматлари марказида аҳоли учун яратилган қулайлик ва замонавий шарт-шароитлар билан танишдилар.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири вазифасини бажарувчиси Неъматулла Абдуллаев, Давлат хизматлари агентлиги жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи Севара Зокирова, мазкур агентликнинг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Дилмурод Исмоилов оммавий ахборот воситалари ходимларига соҳада юз бераётган ўзгаришлар ва янгиланишлар ҳақида маълумот бердилар.

Наманган шаҳар давлат хизматлари маркази директори Акрамжон Акрамовнинг қайд этишича, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг аксариятида фуқаролар мурожаати бўйича қўйилаётган масалаларга масъулият билан ёндашилмоқда. Марказ мутахассислари сайёр хизмат кўрсатишни йўлга қўйгани ҳам аҳолига қўшимча қулайликдир. Маҳалла, бозор ва йирик савдо мажмуаларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакилларига ёрдам берилаётир. Хусусан, ҳозирга қадар 24 маҳалла фуқаролар йиғинида ана шундай тадбирлар юқори савияда ташкил этилди. Буларнинг барчаси давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацияга асосланган миллий тизими муваффақиятли жорий этилаётгани ифодасидир. Одамлар энг зарур хизматлар жамланган бу идора фаолиятидан мамнун.

Вилоятда "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этишда, албатта, унга мутасадди ташкилотнинг моддий-техник базаси ва яратилган имконият, шарт-шароит муҳим ўрин тутади. Наманган шаҳар давлат хизматлари марказига "Карбонам" масъулияти чекланган жамияти тасарруфидаги фойдаланилмай турган тўрт қаватли бино ажратилиб, 15 миллиард сўмлик реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди, замонавий алоқа ва коммуникация воситалари билан таъминланди.

Шунингдек, 12 та туман ва шаҳар давлат хизматлари марказлари "Дамас" автомашиналари ҳамда 1 дона "Исузу" автобуси билан таъминлангани марказнинг олис қишлоқларда, маҳаллаларда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, фуқароларга сайёр давлат хизматларини кўрсатиш ва сайёр қабуллар ўтказиш вазифаларини бажаришида муҳим омил бўлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил май ойида Наманган вилоятига ташрифи чоғида мазкур марказда ҳам бўлиб, бу ерда фуқаролар ва хизматчилар учун яратилган шароитларга юқори баҳо бераркан, "Биз ёв хизматни нима учун ташкил қилдик? Адолат бузилмаслиги, коррупция бўлмаслиги, одамлар қийналмаслиги учун. Ушбу муассаса давлат хизматлари марказлари фаолиятини ташкил этишнинг Наманган тажрибаси, одамлар билан мулоқотнинг янги намунаси бўлади. Энг катта ютуғимиз бундай идораларда энди фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади", деб таъкидлаган эди.

Президентимизнинг ташрифида белгилаб берилган вазифалар ва тегишли кўрсатмалар асосида давлат хизматлари марказида тизимли ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Хусусан, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида синов тариқасида жорий йилнинг 1 июнидан қўшимча тарзда 31 та йўналишда давлат хизматлари кўрсатиш жорий этилди.

Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида аҳолига қулайлик яратиш, узундан-узоқ навбатда туриш, ортиқча вақт сарф қилишнинг олдини олиш мақсадида муқобил тарзда Наманган шаҳар давлат хизматлари марказига қиймати 32 минг еврога тенг бўлган бир дона кўчма мобиль қурилма ўрнатилди. Энди мазкур қурилма ёрдамида биометрик паспортни расмийлаштириш ва олиш имконияти йўлга қўйилди. Яқин вақт ичида тақдим этилаётган хизматлар турини юзтага етказиш режалаштирилган. Айни жараёнда мамлакатимизда илк маротаба Тошкент давлат юридик университетига кириш ҳужжатларини қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, архив хизмати, электр, газ, ичимлик суви ҳисоблагичи ўрнатишга рухсат бериш ва бошқа кўплаб оммабоп амалиётлар ҳам жорий этилади.

Илгари тадбиркорликни йўлга қўймоқчи, бирор фирма ёки корхона очмоқчи бўлган одам ҳужжат тўғрилаш жараёнида сарсон-саргардон бўларди. Нотариус, архив ёки кадастр идорасидан, газ, электр, сув таъминоти ташкилотидан ёки маҳалладан оддий бир маълумотнома олиш учун ҳам баъзан кун бўйи навбатда туришга тўғри келарди. Ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражада экани ва қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолгани асоссиз молиявий харажатларга, фуқароларнинг ортиқча кутиб қолиши ва навбатлар юзага келишига, бу эса баъзан коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келаётганди. Давлат хизматлари маркази эса бунга энди чек қўяди.

Наманган шаҳар давлат хизматлари маркази фаолияти билан танишиш жараёнида, бу ерда юридик ва жисмоний шахсларга ортиқча вақт сарфламай, сарсонгарчилик ва асаббузарликларсиз белгиланган давлат хизматларидан фойдаланиш учун барча қулайлик муҳайё этилганига амин бўлдик. Масалан, эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш яқин вақтга қадар фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармасининг рўйхатлаш-имтиҳон олиш бўлимида амалга оширилиб, бу жараёнга баъзи ҳолларда бир ойгача вақт кетар эди. Энди бу амалиёт ҳам давлат хизматлари қаторидан жой олди. Гувоҳномасини алмаштирмоқчи бўлган киши марказдаги мутахассисга эски нусхадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда фуқаролик паспортини топширган ҳолда белгиланган тўловни шу ернинг ўзидаги банк шохобчасида амалга ошириши кифоя. Суратга ҳам шу ерда тушиш мумкин. Хуллас, "ID" кўринишдаги янги гувоҳнома тўлиқ электронлаштирилган тизим орқали 5 дақиқа ичида тайёрлаб берилади.

— Давлат хизматлари марказининг очилгани оғиримизни енгил, мушкулимизни янада осон қилди, — дейди кўз олдимизда беш дақиқага қолмай янги ҳайдовчилик гувоҳномасини олган Наманган шаҳридаги Юқори Ғивон маҳалласи Ниёзали Имомов кўчаси 2-уйда яшовчи Ғуломжон Абдураҳмонов. — Бир пасда қўлимга ҳужжат олишимни тасаввур ҳам қилмагандим. Тўғриси, авваллари "право" олиш ёки янгилаш учун соатлаб навбат кутишга, тиббий кўрик ва имтиҳондан ўтишга мажбур бўлардик. Эндиликда эса паспорт ва эски намунадаги гувоҳномани олиб келишнинг ўзи етади. Аҳоли учун бундай қулайлик ва замонавий шарт-шароитлар яратилганидан миннатдормиз.

Бошқа жойларда бўлгани сингари Наманган шаҳрида ҳам болаларни мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш бўйича етарлича муаммо тўпланиб қолган эди. Яқин-яқингача ота-оналар ҳали боғча, ҳали халқ таълими бўлимига қатнар, узоқ вақт навбатда турар эди. Энди бу юмуш ҳам марказнинг ўзида бир пасда битаётир.

— Болаларимизни мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш катта муаммога айланаётганди, — дейди Наманган шаҳридаги "Мингчинор" МФЙда яшовчи фуқаро Дилфуза Ҳайдарова. — Мактабгача таълим муассасаси билан халқ таълими ўртасида овора-ю сарсон эдик. Давлат хизматлари марказига келиб, бу юмушнинг бир зумда бажарилишидан бошимиз осмонга етди. Марказ вакиллари ота-оналарнинг бу борадаги мурожаати рўйхатга киритилиб, йўлланма олиш учун навбат электрон усулда олиб борилишини тушунтиришди. Керакли ҳужжатларни тақдим этиб, фарзандим Малика Юнусовани ҳудудимиздаги 2-мактабгача таълим муассасасига йўлланма асосида жойладик.

Ҳа, бугунги кунда Наманган шаҳар давлат хизматлари марказида 17 нафар малакали мутахассис замонавий ахборот технологиялари воситасида 600 мингдан зиёд аҳолига ижтимоий-иқтисодий, маиший ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ муаммо ва масалаларда тезкорлик билан ёрдам кўрсатмоқда. Марказ фаолиятининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда фуқаро кун бўйи навбат кутиб қолмайди. Биргина жамғариб бориладиган пенсия тизимига рўйхатга туришни оладиган бўлсак, илгаригидек банкка боришга ҳожат қолмади. Бу масала марказда узоғи билан бир соатда ечилади. Солиқ тўловчининг идентификация рақамини олиш ҳам содда усулда, қисқа фурсатда ҳал этилади.

Маълум қилинишича, Наманган шаҳар ва туманлар давлат хизматлари марказларига жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра жисмоний ва юридик шахслар томонидан 65 та хизмат тури бўйича жами 84 минг 814 мурожаат келиб тушган. Бугун фуқаролар ушбу масканга ер участкаси кадастри, кўчмас мулк объектига эгалик ҳуқуқини тиклаш, коммунал хизмат, ҳатто, оилавий турмуш муаммолари хусусида ишонч билан мурожаат қилмоқда. Чунончи, ўтган қисқа вақтда 4 минг 721 ариза қабул қилиниб, аксариятининг ижроси таъминланди. Улар орасида, айниқса, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича 1 минг 296 мурожаат ижобий ҳал қилинганини қайд этиш жоиз.

Илгари тадбиркорликни бошламоқчи бўлган одам ойлаб сарсон бўларди. Сабаби тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш учун жуда кўп ҳужжат, қоғозбозлик талаб қилинарди. Уларни тўғрилаш учун турли-туман идораларга қатнаш, соатлаб навбат кутишга тўғри келарди. Бундан кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлиб, ишни бошламай туриб ташлаб кетарди. Бугун давлат хизматлари марказида бу манзаранинг тамомила аксини кўрасиз. Кўз ўнгимизда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги фуқаро Иброҳим Ибрагимов марказ мутахассисига мурожаат қилди. Фуқаролик паспортидан кўчирма тақдим этди. Автомобиль бутловчи қисмлари савдоси билан шуғулланиш истагида бўлган ёш ишбилармонга юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома 30 дақиқа ичида расмийлаштириб берилди. Эндиликда Иброҳим каби ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганлар олдингидек идорама-идора ҳужжат тўғрилаб юришмайди, икки кун вақт сарфламайди. Давлат хизматлари маркази тадбиркорга бир зумда қанот бўлади.

Эътиборлиси, марказда электрон навбат тизими жорий этилган бўлиб, кунига ўртача 800 дан ортиқ фуқаро ва тадбиркорга 80 дан зиёд турдаги давлат хизмати кўрсатилади. Бу ерда Халқ қабулхонаси, нотариус, ФҲДЁ, паспорт бўлимлари, суғурта, кадастр, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш, тез тиббий ёрдам хизматлари, банк шохобчаси жойлашган. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида биринчи қаватда болалар майдончаси, кафе ишлаб турибди.

Медиа-тур доирасида журналистлар Учқўрғон туманидаги Халқ қабулхонаси ва сектор раҳбарлари иштирокида ташкил этилган сайёр қабулда ҳам иштирок этдилар. Оммавий ахборот воситалари ходимлари юзма-юз мулоқот жараёнида кун тартибидаги масала юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиш имкониятига эга бўлди.

Сайёр қабул жараёнида туман ҳокими Азимжон Ваҳобов, туман прокурори Комилжон Алимов, туман ИИБ бошлиғи Ғайрат Раҳматуллаев, туман Давлат солиқ инспекцияси раҳбари Акрамжон Нажмиддинов фуқаролар кўтарган бир қатор масалаларни ижобий ҳал этди. Масалан, кам таъминланган оила соҳиби Олимжон Жавлоновнинг арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжи, Турсуной Абдуллаеванинг ер участкаси кадастр ҳужжатларини тиклаш, 12 йил коллежда ишлаб штатлар қисқариши туфайли ишсиз қолган кутубхоначи Турғуной Азизованинг ишга жойлашиш бўйича мурожаатларига жойида ечим топилди.

Бир сўз билан айтганда, Халқ қабулхоналари қисқа муддатда одамларнинг қанчадан қанча муаммосига ечим топиб, давлат ва аҳоли ўртасида ўзига хос кўприкка айланди. Энди Халқ қабулхоналари билан бир жойда фаолият олиб борадиган давлат хизматлари марказларида жисмоний ва юридик шахсларга тез, қулай, шаффоф тарзда давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, энг аввало, халқимиз учун қулай шарт-шароит яратишдан иборат.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Давра суҳбати

ЗИЁ МАСКАНИ ДАРВОЗАСИ БАРЧА УЧУН ОЧИҚ

Мамлакатимизда фуқароларнинг кутубхона хизматларидан фойдаланишдаги имкониятлари чексиз. Хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами — ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжуд ахборот-кутубхоналардан бемалол фойдаланишлари учун кенг шароит яратилган.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида ана шу масалалар хусусида сўз борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли ташкилот ва идоралар ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ногиронлиги бўлган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган, — деди Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Илҳом Абдуллаев. — Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ушбу тоифадаги инсонларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви, жамоат транспорти ҳамда инфратузилма биноларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиши бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. Шу билан бирга мамлакатимизда ногиронлиги бор инсонларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжларини, ахборот ресурслари ва Интернет тармоғидаги электрон хизматлардан тўлақонли фойдаланиши бўйича шароитлар яхшиланиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Хусусан, ногиронлиги бор шахсларни қамраб оладиган ягона электрон тизимнинг яратилганлиги уларга самарали ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатилишини таъминлайди.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, бугун ахборот-кутубхона муассасаларида имконияти чекланган шахслар учун ахборот кутубхона хизматлари спектрларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, ахборот-кутубхоналардаги ўқув залларида мазкур тоифадаги фуқаролар ахборот ресурслардан бемалол фойдаланиши учун ихтисослаштирилган жойлар ташкил этилган, эшитиш қобилияти паст ва кўзи ожиз китобхонлар учун давлат тилида махсус компьютер дастурлари яратилган. Шунингдек, ўзбек тилидаги сўз ва атамаларни алоҳида изоҳлайдиган овозли луғатларни яратиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларга қулай шароитлар яратилган, — дейди кутубхона бўлим бошлиғи Қундузой Нуримова. — Масалан, ногиронлар аравачаларида келувчиларга қулайлик яратиш мақсадида эшик остоналари текис ва равон қурилган. Махсус лифтлар мавжуд ва улар аравачада юрувчиларга қулай тарзда ўрнатилган. Шунингдек, масканимизда кўзи ожиз фойдаланувчилар учун брайл ёзувига мўлжалланган клавиатурали 8 та махсус компьютер, "Jaws" дастури ва тифлофлешплеерлар ҳамда бўртма нуқтали ёзув кўринишида чоп этиш учун 1 та махсус принтер каби техник жиҳозлар уларга хизмат кўрсатмоқда.

Давра суҳбатида ногиронлиги бор шахсларнинг ахборот ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари Интернет сайтларида махсус хизматлар (овозли эшиттириш ва шрифтларни катталаштириш) жорий этилгани уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол ифодаси сифатида қайд этилди.

Шу билан бир қаторда давра суҳбати иштирокчилари томонидан ногиронлиги бор шахсларнинг ахборот-кутубхона муассасаларига мурожаатлари жараёнида вужудга келаётган тўсиқлар танқидий таҳлил қилинди. Масалан, баъзи марказ ва кутубхоналарда мазкур шахсларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилмаётганлиги, оддий инфраструктура элементларининг (пандуслар, автотранспорт учун махсус тўхташ жойлари, лифтларда овоз эшиттириш, электрон ахборот табло ва бошқалар) йўқлигига алоҳида урғу берилди.

Тадбирда соҳадаги муаммолар муҳокама этилди, бу борада иштирокчиларнинг таклиф-мулоҳазалари тингланди. Ногиронлиги бор фуқароларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг ахборот-кутубхоналардан қулай тарзда фойдалана олишини ташкил қилиш, соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
24 (508) 2018 йил 13 июнь, чоршанба

Бугуннинг гапи

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

ОТА-ОНА БУГУН УЛАРНИНГ ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАЯПТИ?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Дарҳақиқат, сўнгги пайтларда мактабгача таълим муассасалари билан боғлиқ бу каби муаммолар Интернет ва ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бирига айланди. Жойларда боғчалар танқислиги, улардаги турли-туман "йиғди-йиғди"лар, ночор аҳволга келиб қолган моддий-техник база, болаларга нисбатан қўпол муносабат, тарбиячилар учун ҳар байрамда кутилмаган "сюрпризлар", болаларнинг туғилган кунини боғчада тантанали ва дабдаба билан нишонлаш, гуруҳдаги ҳар бир болага совғалар улашиш, тарбиячиларнинг ўз эҳтиёжларини ота-оналарнинг "саховати" эвазига қондириши — буларнинг бари бир кунда пайдо бўлмагани ва ўз ечимини кутаётгани айни ҳақиқат. "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони соҳада йиллар давомида тўпланган ана шундай муаммо ва масалаларга ҳуқуқий асос ва ечим вазифасини ўтамоқда. Уларни бартараф этиш, тизимни тубдан такомиллаштириш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

— Бугунги кунда мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилинмоқда, — дейди Мактабгача таълим вазирлиги матбуот котиби Тўра Тўраев. — Мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун давлат бюджетидан 21 миллиард сўм маблағ ажратилди. Глобал ҳамкорлик гранти — беғараз техник кўмакдан фойдаланган ҳолда 2018 йилда МТМлар учун жами 2 миллион 453 минг АҚШ долларлик товар ва хизматлар етказиб берилиши режалаштирилган.

Шу йилдан 10-15 нафар фермерга мактабгача таълим муассасаларига сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш бириктирилди, болалар боғчаларига тайёр сифатли иссиқ овқат етказиб берадиган давлат корхонаси ташкил этилиб, "Кетринг" хизматини йўлга қўйиш механизми ишлаб чиқилди.

Мавзу доирасида "Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Дастур" ҳамда республикамизда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича "йўл харитаси"нинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги "Давр болалари" номли 106-МТМга борганимизда болажонларнинг шодон кулгуси, тарбиячиларнинг жонкуярлигини кўриб, кўнглимиздаги эски ҳадик тумандек тарқаб кетди. Бу ердаги ўзаро самимият, аҳиллик, меҳрга йўғрилган муҳит батамом бошқача эди.

Боғча ошхонаси тоза, саранжом-сариштa. Иккита музлаткичда сут маҳсулотлари алоҳида, гўшт маҳсулотлари ва овқатлардан олинган намуналар, яъни синамалар алоҳида сақланмоқда. Синамалар болаларнинг саломатлиги хавфсизлиги нуқтаи назарига биноан назоратчига тақдим этиш учун олиб қўйилар экан.

Сўнг гуруҳлар томон йўл олдик. Ҳар бир гуруҳ ўз логотипи, шиори, имижига эга. Масалан, "Капалак" гуруҳига киришингиз билан кўзингиз капалаклар тасвирига тушади. Ҳар бир меъёрий ҳужжат ҳам "капалак" остига яширинган. Ёрқин, ранг-баранг "капалак"лар болаларда эртаклар оламига тушиб қолгандек тасаввур уйғотади. Ҳар бир гуруҳда болажонлар мароқли машғулот билан банд. Тарбиячиларнинг иш дафтари билан танишиш жараёнида улар учун кўп қулайлик яратилганига амин бўлдик: илгари конспект, машғулот ишланмаси ва яна бир талай иш дафтари алоҳида-алоҳида юритилган бўлса, бугун улар биттага жамланган.

— Президентимиз қарори билан мактабгача таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи оширилгач, тарбиячиларимиз янада иштиёқ, масъулият ва фидойилик билан меҳнат қилмоқда, — дейди ушбу муассаса мудираси Шаҳло Валиева. — Муҳими, давлатимизнинг эътибор ва ғамхўрлиги иш сифатини оширишга хизмат қилаётир. Демак, эътибор ва раҳбат болажонларнинг чексиз қувончи, ота-оналарнинг фарзандларидан кўнгли тўқ, хотиржам бўлишига имкон яратмоқда.

ҚАЙ БИРИ АФЗАЛ?

Тизимдаги энг оғриқли муаммо — мамлакатимиздаги барча болалар мактабгача таълим муассасасига тўла қамраб олинмагани. Ҳозир бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этмоқда, холос. Айни пайтда мазкур муаммони ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, республикамизнинг турли ҳудудларида мактабгача таълимнинг муқобил шакллари, яъни қисқа муддатли гуруҳлар жорий этилган. Бунга, асосан, 5-7 ёшли болалар жалб этилаётир.

Ўрганишлар бугунги кунда кўпчилик ота-она нодавлат (хусусий) мактабгача таълим муассасасини маъқул билаётганини кўрсатмоқда. Уларда ўқитиш услуби кенг қамровли, ҳам имкониятлари юқори. Хусусий боғчалардаги малакали ва инновацион ўқитиш услубига эга ўқитувчилар, ўзбек тилидан ташқари, инглиз ва рус тилларида олиб бориладиган ўқув машғулотлари, боланинг ўзлаштириш даражаси ҳақида ота-оналарга мунтазам бериладиган ҳисоботлар кимга ҳам ёқмайди дейсиз. Бироқ тўлов пули ҳам шунга яраша бўлмоқда. Буни эса ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтармаяпти.

— Фарзандимизни хусусий боғчага бермоқчи эдик, аммо оиламиз бюджети учун анча қимматлик қилар экан, — дейди янгийўллик Ҳабибулло Тошбеков. — Яқинда иккинчи фарзандимиз ҳам боғча ёшига етади. Бу боғча харажатларимиз икки баробарга кўпаяди, дегани. Биз ҳам фарзандларимиз шароити аъло хусусий боғчаларда таълим-тарбия олишини жуда истаймиз...

Пойтахтимиздаги "Star Kids International" номли нодавлат мактабгача таълим муассаси фаолияти билан танишганимизда, уларда яратилган шарт-шароит, имконият ҳар қандай ота-онанинг ақлини шошириб қўядиган даражада йўлга қўйилганига амин бўлдик. "Star Kids International" нодавлат таълим муассасасида машғулотлар юқори малакали маҳаллий педагоглар томонидан "Болажон" ва "Монтессори" ўқитиш дастурлари асосида инглиз ва рус тилларида ташкил этилган. Мазкур мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчилар 10-12 кишилик кичик гуруҳларга бўлиниб, машғулотлар қатъий белгиланган чораклик режа-дастур асосида олиб борилади. Ҳар бир боланинг ўзлаштириш даражаси ота-онасига ҳисобот шаклида тақдим этилади.

Болаларнинг овқатланиш рационига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Улар кунига беш маҳал, калориялар мутаносиблиги таъминланган ҳолда овқатлантирилади. Боғчада инглиз ва рус тилларини мукаммал ўргатишга йўналтирилган машғулотлардан ташқари, болаларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда, санъат, мусиқа, рақс, шахмат ва каратэ тўгараклари ҳам ташкил этилган.

Бундан ташқари, эртак қаҳрамонлари иштирокидаги ўйинлар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига уюштириладиган саёҳатлар, қолаверса, ички ишлар ходимлари иштирокидаги ёнғин хавфсизлиги ва йўл қоидалари бўйича машғулотлар ҳам боғча таълим дастурининг ажралмас қисмига айланган. Гапнинг индаллосини айтганда, муассасада мавжуд бой моддий-техник таъминот, болаларни жон дилидан севувчи кўп сонли юқори малакали ўқитувчи ва ходимлар гуруҳи шакллантирилган, хорижда синовдан ўтган самарали ўқитиш методларининг қўлланилиши туфайли юқори сифатли таълим-тарбия жараёни яратилган.

Бироқ нархи ҳам шунга яраша: 1 миллион 800 минг сўм. Очиғи, бу тўлов суммаси бироз қиммат эмасмикан, деб ўйладик. Бироқ "Mikki Maus", "Вундеркинд" каби бошқа нодавлат МТМлар билан боғланганимизда ҳам нархлар 1-2 миллион сўм атрофида эканлиги маълум бўлди.

Ўрганишлар жараёнида давлат ва нодавлат МТМлари ўзининг ўқув услуби, таълим ва тарбия шаклининг ранг-баранглиги, яратилган шарт-шароитлари билан бир-биридан фарқ қилишини кузатдик. Шундай бўлиши ҳам табиий, аслида. Чунки давлат боғчаларида тўлов пули бир бола учун 155 минг, икки ва ундан ортиқ болали оилалар учун 110 минг этиб белгиланган. Демак, шарт-шароит ҳам шунга яраша. Хусусий боғчаларда бу кўрсаткич 800 минг сўмдан 2 миллион 200 минг сўмгача.

БОЛАГА "БОСИМ" ЎТКАЗМАЙЛИК

Маълумки, бугун мактабгача таълим муассасаларида такомиллаштирилган мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари асосида ишлаб чиқилган "Болажон" таянч дастури самарали қўлланилмоқда. Дастурнинг мақсад-вазифаси мактабгача ёшдаги ҳар бир болани мактаб таълимига сифатли тайёрлаш, одобли, ақлли, хушмуомала, ўзига ишонган, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуммиллий қадриятларни қадрлайдиган, жисмонан соғлом этиб тарбиялашдан иборат. Ушбу дастур асосида болаларнинг нутқини ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш, математик тасаввурини шакллантириш каби бир қатор меъёрий талаблар амалга оширилади. Болаларнинг ёш хусусиятига қараб уларни атроф-муҳит билан таништириш, илк математик тасаввурини шакллантириш, нутқ ўстириш, бадиий адабиёт билан таништириш, аппликация, қуриш-ясаш, жисмоний тарбия, мусиқа каби йўналишларда белгиланган йиллик дастурни кўриб, очиғи, жуда ҳайратландик. Кичик гуруҳларни қўя турайлик, 5-6 ёшлиларга мўлжалланган бўлимлар билан танишиш чоғида улар учун белгиланган меъёр боланинг ёш хусусиятига оғирлик қилмасмикан, деган хаёлга борасиз. Масалан, табиат билан танишув бўлимида сувнинг буғга ва буғнинг сувга айланиши, сувнинг музга ва музнинг сувга айланиши каби амалий тажрибалардан ҳатто, бошланғич таълим ўқувчисининг ҳам боши қотиб қолиши тайин.

Ёки бўлмаса илк математик тасаввурни шакллантириш бўлимида белгиланган режага мувофиқ, бутунни тўртта тенг бўлакка бўлиш ва таққослаш, шар, куб, цилиндрни билиш ва конус билан танишиш, бутун қисмдан катта, қисм бутундан кичик, кўпбурчакнинг бурчаклари ва томонларини ўрганиш каби қатор масала киритилганки, буларни боғча тарбияланувчиси ўзлаштиришига шубҳа қиласиз.

— Боғча ёшидаги бола учун атроф-муҳит билан боғлиқ ҳар бир жараён, албатта, қизиқ. У ҳар бир жараёнга, ҳолатга ўз муносабатини билдиргиси келади, — дейди педагог-психолог Дурдона Раҳмонова. — Шундай экан бола билан унинг "тили"да суҳбатлашиш, борлиққа нисбатан ўз муносабатини билдира олиши учун имкон бериш керак. Бунда, албатта, унинг риторикасини, диққатини ўйин орқали ривожлантириш айни муддао. Аммо бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари дастурида белгиланган меъёрлар боғча боласи учун оғирлик қилади. Аввало, унинг ёш хусусияти, феъл-атвори, тана тузилиши, мия фаолияти, хуллас, анатомик-физиологик хусусиятлари инобатга олиниши керак. Ортиқча юкламаларсиз ўйин орқали таълим-тарбия бериш болакайни уринтириб қўймайди. Аксинча янада фаол, эркин бўлишига замин яратади ва бола боғчага боришдан зада бўлмайди.

Айни ҳолатда эса бизнинг назаримизда, боғча боласидан билимдонлик керагидан ортиқ талаб қилиняпти. Хориж тажрибасидан ҳам маълумки, боғча ёшидаги болалар риторикаси фақат ўйин орқали ривожланади. Корея тажрибасида ҳам ўйин бирламчи ўрин тутади. Уларда ҳамма жараён ўйин орқали болаларга сингдирилади. Бола ўйин орқали ривожланади. Бизнинг мактабгача таълим муассасаларида эса бола ўқиш-ёзиш, расм чизиш, мусиқий таълим, математик билимлар, хуллас, таълимнинг кўплаб турларини ҳаминқадар ўзлаштирмоқда. Боғча ёшидаги болалар математик амаллар бажармоқда, бемалол икки ва ундан ортиқ тилда гаплашмоқда ҳам.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, билимдон боғча тарбияланувчиси мактабга чиқиб зерикиб қолмайдими? Хусусий мактабгача таълим муассасалари дастуридан ўрин олган бир нечта машғулот кетма-кетлиги, тўгараклар сонининг кўплиги ҳам болага жисмоний жиҳатдан оғирлик қилмайдими? Баъзи ота-оналар борки, мактабгача таълим муассасаларининг ушбу "ҳиммати"дан ҳам кўнгли тўлмай фарзандларини "Почемучка", "Знайка" номли нодавлат таълим муассасаларига қўшимча дарсларга олиб бориш ҳолатлари учраб туради. Шу ўринда фарзандларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини билган ҳолда, керагидан ортиқ юклама болага зарар келтириши мумкинлигини эътибордан соқит қилмаслик ҳам керак.

Соғлом авлод тарбиясида тўғри овқатланиш ҳам муҳим саналади. Хусусий боғчаларда овқатланиш тартиби кунига 5-6 маҳал этиб белгиланган. Тўғри, уларда диетологлар назорати остида таомнома тузилиб, боланинг ёш хусусияти инобатга олинган ҳолда таомлар берилади. Аммо пицца, стейк, кабоб сингари юқори калорияли таомлар берилиши қанчалик тўғри? Боланинг ҳазм қилиш тизими, организми жуда нозик бўлиб, катталарникидан тубдан фарқ қилади. Бундай кетма-кетлик ёш организмни "босим" билан ишлашга мажбурламайдими? Шундай экан, хусусий боғчаларда мавжуд имкониятларни ҳам тўғри маънода сарҳисоб қилиш керак. Демак, мактабгача таълим тизимида ҳали қилишимиз керак бўлган вазифалар талай.

Мухтасар айтганда, Президентимиз томонидан болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, уларни интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан ривожланган этиб тарбиялаш бўйича замонавий тизим яратиб берилди. Тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида бу борада ишлар бошлаб юборилди. Зеро, фарзанд — оила бахти, жамият эртаси. Унга қандай сармоя сарф этилса, келажакда даромад ҳам шунга яраша бўлади. Мактаб ёшига етгунга қадар болага асосий тарбия, аввало, оилада, сўнг мактабгача таълим муассасасида ўргатилади. Хоҳ давлат, хоҳ хусусий мактабгача таълим муассасаси бўлсин, боланинг келажагини белгилаб берадиган, билим ва қадриятларни баркамол авлод қалбига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга маскан бўлиб қолаверади. Ана шу даврда болани тўғри парваришлаш ва унга тўғри тарбия бериш жуда муҳим. Бунда, албатта, жонкуяр тарбиячининг ўрни беқиёс. Унинг болаларга бўлган меҳри, касбига садоқати ва фидойилиги эртамиз эгаларининг жамиятда муносиб ўрин тутишида мустаҳкам пойдевордир. Зеро, фикри теран ва ўзига ишончи баланд болагина улғайганида бахтли келажакни барпо эта олади. Биз катталарнинг асосий вазифамиз эса фарзандларимизга бу учун муносиб шароит ва имконият яратиб беришдан иборатдир.

Нигора НИШОНБОЕВА,
Milliy tiklanish" мухбири

ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

"АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ, ЭКОЛОГИК, ТИББИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА, ИЖТИМОИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ТУРИЗМНИНГ ИННОВАЦИОН ТУРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ННТЛАР ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ" МАВЗУИДА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

1. Давлат органлари билан ижтимоий шериклик асосида ҳудудларда чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлашнинг инновацион технологияларини жорий қилишни кучайтириш;
2. Жойлардаги маҳаллий давлат органларига аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламлари аёллар, ёшлар ва ногиронларнинг доимий бандлигини таъминлашга, уларни халқ ҳунармадчилиги тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оилавий бизнес ва тадбиркорликнинг турли шаклларига жалб қилишга кўмаклашиш;
3. Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ижтимоий шерикликда юқумли касалликлар профилактикаси тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш;
4. Ёшларнинг тиббий-экологик ва ижтимоий-маънавий маданиятини юксалтиришда ННТ ва ОАВ ўртасида ҳамкорликни кучайтириш;
5. "Маънавият оиладан бошланади" шиори остида хотин-қизлар саломатлигини яхшилашга қаратилган оилавий қадриятларни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш;
6. Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВ ролини кучайтириш;
7. Ота-она қаровисиз қолган, шунингдек, имконияти чекланган болалар муаммолари бўйича ижтимоий реклама, махсус телекўрсатув, радиоэшиттиришлар, мақолалар тайёрлаш, эфирга узатиш, чоп этиш;
8. Аҳоли, авваламбор, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, улар ўртасида маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш, мустақил фикрлашни шакллантиришга кўмаклашиш;
9. Давлат органлари билан ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, сифатли коммунал хизматлар кўрсатишга, аҳолини маиший яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш;
10. Чиқиндиларга иккиламчи ишлов бериш жараёнини янада кенгайтириш, ижтимоий инфратузилма объектларида замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологияларини қўллашга кўмаклашиш;
11. Жамиятнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини оширишга кўмаклашиш, азалий миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, жамиятда юксак маънавият ва соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш;
12. Оилада тиббий маданиятни шакллантириш ва ошириш, тўғри овқатланиш, камқонлик ва гигиена соҳасида қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш;
13. Ёш авлодни маънавий тарбиялаш даражасини ошириш, ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва зарарли таъсирдан ҳимоя қилиш;
14. Ёш авлодни тарбиялаш жараёнида таълим муассасаларининг оила ва маҳалла институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, уларда эстетик дид, ўзбек халқининг миллий, тарихий ва маданий меросини, бой тарихини, мустақил Ўзбекистоннинг замонавий ютуқларини ҳурмат қилишни шакллантириш;
15. Туризмнинг тарихий-илмий, экологик, фаол, гастрономик ва бошқа турларини хорижий аудитория ўртасида оммалаштириш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ҳамда маданий-тарихий жозибадорлигини кучайтириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар **2018 йил 7 июндан 13 июлгача** қабул қилинади.

Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юборилади. Ушбу манзилга юборилган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 239-26-76, 239-26-64.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

"ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАН ЕТУК, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШГА, УЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК, ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚЎМАКЛАШИШ" МАВЗУИДА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

1. Ёшларда китобхонлик кўникмасини шакллантириш, уюшмаган ёшлар ўртасида "Адабиётга эътибор – маънавиятга эътибор", "Мен севиб ўқиган китоб" ва "Энг яхши китобхон" танловларини ташкил этиш;
2. Уюшмаган ёшларни, ноқонуний меҳнат мигрантлиги натижасида хорижий давлатлардан депортация қилинган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни мамлакатдаги бунёдкорлик ишларига кенг жалб қилиш;
3. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини юксалтириш, уларнинг инновацион фикрлашини, кашфиётчилик, рационализаторлик ғоялар ва научуаларни ишлаб чиқишга йўналтириш;
4. Маҳаллалардаги уюшмаган ёшларнинг қизиқишлари, орзу ва истакларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга шарт-шароит яратиш, турли тўгараклар, спорт жамоаларини шакллантириш;
5. Ёшларнинг аэрокосмик, аэродинамик соҳалардаги билимларини юксалтиришга кўмаклашиш, уларда интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини юксалтириш;
6. Ёшларда, айниқса уюшмаган, тарбияси оғир бўлган ёшларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, уларни жамиятдаги интеграциясига маънавий психологик кўмаклашиш;
7. Ёшлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш, оиланинг муқаддас қадриятларини уларнинг тафаккурига сингдиришнинг инновацион(маънавий, психологик ва бошқалар) усулларини амалга ошириш;
8. Ёшларда фуқаролик бурч ва масъулиятни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, давлат ва жамият қурилиши соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари тўғрисида хабардорлигини ошириб бориш;
9. Маданият, адабиёт, санъат ва аниқ фанлар соҳаларида ёш авлодни ижодий фаолиятини рўёбга чиқариш имкониятини яратишга кўмаклашиш, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш;
10. "Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан" шиори остида маҳаллаларда, айниқса, ёшлар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини юксалтириш;
11. Уюшмаган ва тарбияси муаммоли ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида "Мен Ватанимни севаман", "Жамиятда менинг ўрним бор" мавзусида туркум тадбирлар ўтказиш;
12. Маданият ва спорт муассасалари билан шерикликда ёшлар ўртасида халқ спорти ўйинларини оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтларини маданий ташкил этиш, қишлоқ қизларини бадиий гимнастика ва спортга кенг жалб қилиш;
13. Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлашда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолиятига кўмак кўрсатиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар **2018 йил 7 июндан 13 июлгача** қабул қилинади.

Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юборилади. Ушбу манзилга юборилган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 239-26-76, 239-26-86.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Халқимиз маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутган, моҳиятида яхшилик, хайр-саховат, меҳр-оқибат каби фазилатлар, эзгу қадриятларимиз ўз ифодасини топган

РАМАЗОН ХАЙИТИ

билан табриклайди.

Юртимиз тинч, халқимиз ҳаёти ҳамиша фаровон бўлсин!

ЭЗГУЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК АЙЁМИ МУБОРАК!

MILLIY TIKLANISH
24 (508) 2018 йил 13 июнь, чоршанба

Обод гўша

НАВРЎЗ БОҒИ МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗНИ ТАРҒИБ ЭТАДИ

Бугун пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида барпо этилаётган "Наврўз" маданият ва истироҳат боғи майдони катта қурилиш майдонига айланган. Мазкур лойиҳа давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 августдаги "Тошкент шаҳрида "Наврўз" боғини қуриш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан амалга оширилмоқда. "Турон банк" акциядорлик тижорат банки "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 10 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган. Боғни қуриш бўйича лойиҳа иштирокчиларига қатор солиқ имтиёзлари тақдим этилган.

... Анҳор бўйидаги бу боғда бунёд этилаётган барча иншоот маънавиятимиз, миллий қадриятларимизни теран ифода қилади. Хусусан, боғда Наврўз байрами тантаналари, маданий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган амфитеатр, қадимий ҳовли ва устахоналар, айвону чойхоналар ва миллий анъаналаримиз акс этган этнографик шаҳарча қурилиши назарда тутилгани эътиборга молик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Наврўз" боғида маданият ва қадриятларимизнинг барча жиҳатлари намоён бўлади. Бу боғ ана шу бой миллий меросимизни тараннум этади. Бу ерга сайёҳлар ҳам иштиёқ билан келиши, ўзини худди ўзбек маҳалласида юргандек ҳис қилиши зарур. Ҳар бир бино, ўтказиладиган ҳар бир тадбир ўсиб келаётган ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўзлигини англашга ҳисса қўшиши лозим.

Дарҳақиқат, "Наврўз" боғи бетакрор, ўзига хос боғ бўлиши, у маҳаллий аҳоли ва чет элликларга халқимиз ҳаёти, маданияти ва урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилиши шубҳасиз. Аҳамиятли жиҳати шундаки, янги боғ замонавий этнопарк услубида қурилади ва шу билан бир вақтда унда темурийлар давридаги ўзбек боғдорчилик анъаналаридан намуналар ҳам акс эттирилади. Боғ очиқ ҳавода жойлашган ҳақиқий музей сифатида келувчиларда катта қизиқиш уйғота олиши аниқ.

Айни кунларда боғнинг қурилиш майдонида ишлар авжида.

— Пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳар бир юртдошимизда фахр-ифтихор билан бирга, ҳаётга, яхши яшашга бўлган иштиёқни оширмоқда, — дейди боғ директори Қодир Рихсиев. — Давлатимиз раҳбарининг "Тошкент шаҳрида "Наврўз" боғини қуриш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида қизғин иш бошланган ушбу ҳудуд ҳам яқин орада энг гавжум ва серфайз гўшага айланади. Мазкур боғ учун 32 гектар ер ажратилган бўлиб, бу ерда 6 минг кишилик усти очилиб ёпиладиган амфитеатр, диаметри 72 метрлик чархпалак, ҳар бир вилоят аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, аждодларимизнинг яшаш тарзи, миллий ҳунармандчилик, пазандачилик анъаналарини акс эттирувчи уйлар барпо этилмоқда.

Бу ерга келган юртдошларимиз, хорижий меҳмонлар ва сайёҳлар халқимизнинг маданий мероси, фольклори, этнографияси, кийиниш маданияти, санъати билан танишиш, ҳар бир ҳудуднинг лаззатли таомларидан татиб кўриш имкониятига эга бўлади. Ҳунармандчилик расталари эса ўз тарихига эга ҳар бир ҳунар турини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Истироҳат боғи марказига қуёш шаклида Наврўз рамзи ўрнатилади. Режадаги ишлар қаторида "Наврўз" боғидан Анҳор канали узра учта пиёдалар кўпригини бунёд этиш мўлжалланган. Боғ "Анҳор-Локомотив" парки билан ёнма-ён жойлашган. Одамлар бу кўприклардан амфитеатрга кириб келиши, Анҳор канали бўйлаб сайр қилишлари мумкин. Мажмуада оммавий сайллар, концертлар ташкил этиш учун барча шароит яратилади. Мустақиллик, Наврўз каби улуғ байрамларимиз мазкур боғда ўтказилиши режалаштирилмоқда. Мажмуа 2019 йили тўлиқ қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади.

Айни пайтда қурилиш-бунёдкорлик ишлари қизғин кечаётган мазкур боғ ҳудудини ободонлаштириш, манзарали дарахт ва гул қўчатлари ўтқазиш, анҳор бўйида қайиқлар бекати бунёд этиш, мажмуада аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган саҳна асарлари намойиш этишни ташкиллаштириш масалалари ҳам кўзда тутилган. Пойтахтимиз ҳудуди миллийлик ва замонавийлик руҳини ўзида мужассам этган яна бир боғ билан кўркам тус олади.

Бу каби ташаббус ва лойиҳалар халқаро экспертлар эътиборидан ҳам четда қолаётгани йўқ. Бу борада Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш уюшмаси президенти Фредерик Бопертюм-Брессан шундай дейди: "Ўзбекистон ўзининг дипломатик фаолияти ҳамда маданий таъсирини жадал кенгайтиришга интилмоқда. Халқаро амалиётда бундай сиёсат "майин куч" деб юритилади. Шу пайтгача мазкур механизм мамлакатга халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини тортиш ва унинг жаҳон майдонидаги обрўсини мустаҳкамлаш йўлида қўлланилмас эди. Аммо бугунги кунда Ўзбекистон раҳбарияти "майин куч" имкониятларидан кенг фойдаланмоқдаки, бу минтақанинг бошқа мамлакатлари учун ҳам ўрнак бўлиши мумкин. Умуман олганда, Ўзбекистон ўз маданияти ва тарихини тарғиб этишда ноёб механизмни қўлламоқда".

Экспертнинг ушбу фикрини бежиз эсламадик. Чунки "Наврўз" боғи шунчаки дам олиш ва истироҳат маскани эмас, балки халқимизнинг миллий маданияти, бой тарихи, қадриятлари, урф-одатларини кўз-кўз қиладиган мажмуа сифатида ҳам юртдошларимиз, ҳам хорижий сайёҳ ва меҳмонларни миллий анъаналаримиздан воқиф этади.

Инсон манфаати ҳар нарсадан устун турадиган жамиятда ривожланиш, интилиш, ижобий ўзгаришлар бўй кўрсатаверади. Халқимиз мана шундай янгиликларни доимо кучли иштиёқ билан қарши олади. Ўйлаймизки, пойтахтимиз марказида қад ростлаётган "Наврўз" маданият ва истироҳат боғи кўп йиллар давомида элнинг яхши кунлари, байрамларига хизмат қилиб, ўз жозибаси ила дунё аҳли эътибори ва эътирофига сазовор бўлади.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
журналист

Реклама

QQB | QISHLOQQURILISHBANK



ДАСТУРДАН ФОЙДАЛАНИБ:

☑ Уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлар, рақамли телевидение хизматлари;
☑ "Қишлоққурилишбанк"дан олинган истеъмол ва ипотека кредитлари;
☑ Коммунал хизматлар;
☑ Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жарималари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Илова ёрдамида МУНИС тўлов тизими орқали АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" пластик картасидан маблағларни бошқа банк пластик картасига ўтказиш имконияти мавжуд.

"Қишлоққурилишбанк" – фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-39-93, 150-76-47 www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган

Матбуот анжумани

СЕРГЕЛИДА ЎЗГАРИШЛАР ПАЛЛАСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Сергели туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда Сергели тумани ҳокими Нозим Ҳусанов шу йилнинг биринчи чорагида туманда амалга оширилган ишлар ва келгусида бажариладиган чора-тадбирлар юзасидан оммавий ахборот воситалари вакилларига атрофлича ахборот берди.

Бугун тумандаги 39 маҳаллада 207,1 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида 2018-2021 йилларда йирик 78 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, ушбу истиқболли лойиҳалар учун қарийб 4 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Жумладан, ҳудудга мавжуд режаларга қўшимча тарзда умумий суммаси 362 миллион долларлик мақсадли хорижий инвестиция киритилиши ҳамда 55,2 миллион долларлик миллий маҳсулотни чет элга тўғридан-тўғри экспортга чиқариш натижасида 10 мингдан зиёд иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

— Сергели пойтахтимизнинг аҳолиси энг гавжум туманларидан бири, — дейди Сергели тумани ҳокими Нозим Ҳусанов. — Бу эса ҳудудда ишлаб чиқариш саноат зоналарини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш, катта ва кичик бизнесга кенг имконият яратиш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни талаб этади. Шунинг учун шу кеча-кундуз ва келгусида бажарилиши лозим бўлган мавжуд чора-тадбирларнинг мухтасар "йўл харитаси"ни ишлаб чиқдик.

Тадбирда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари, чакана савдо айланмаси, хизматлар соҳаси, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улушига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. "Обод маҳалла" дастури асосида Сергели туманида қайта қурилиши режалаштирилган маҳаллаларнинг айни кундаги ҳолати ҳақида ҳам маълумот берилди.

Сергели туманида "Замонавий маҳалла" марказлари қурилиши бўйича 32 маҳалла режага киритилган бўлиб, ҳозирда шундан 28 таси тўлиқ фойдаланишга топширилган, қолган икки маҳалла ҳам фойдаланишга топширилиш арафасида. Режага кирмаган маҳаллаларда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. "Ўзгариш" ва "Дарё бўйи" маҳаллалари "Обод маҳалла" дастурига мувофиқ тубдан янгиланади. Шунингдек, чет эллик инвесторларнинг тенг шериклик асосида Сергели туманида тез орада замонавий хизмат кўрсатиш бинолари, меҳмонхоналар, йирик сайилгоҳлар ва аҳоли дам олиш масканлари барпо этиши кўзда тутилган.

Тадбирда журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Ислом ИБОДУЛЛАЕВ,
журналист

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

БОҚҚА КЎРК, СОҒЛИҚҚА ФОЙДА

Мамлакатимизда тутнинг балхи, хасак, оқ, шоҳтут каби бир неча нави ўсади. Оқтут меваси ва барги таркибида киши организмига фойдали бўлган жуда кўп органик кислота, витамин ва микроэлементлар мавжуд.



Тут қадимдан юқори нафас йўллари хасталиклари, йўтал ва шамоллашга қарши даво ўрнида ишлатилган. Машҳур табиб Ҳусайн Шерозий "Тут одам танасида тоза қон пайдо қилади, мияга қувват беради, аъзолардаги тиқинларни очади, жигар ва талоқнинг иш фаолиятини яхшилайди, пешоб ҳайдовчи ҳамдир", дея таъриф берган.

Абу Али ибн Сино "Нордон тут оғиз ва томоқ шишларини қайтаради, унинг барги томоқнинг икки томонидан чиққан шишларга фойдалидир. Нордон тут баргининг суви билан оғиз чайилса, тиш оғриғига даво бўлади. Тутнинг ҳамма хилини овқатдан олдин ейиш керак, шунда улардан меъдага зарар етмайди" деб ёзган.

Буюк табиб оқтут баргини ангина, қуритилмаган барги ширасини эса тиш оғриғида тавсия қилган. Мева шираси билан оғиз ва томоқдаги шишларни, ичбуруғ касаллигини даволаган ҳамда пешоб ҳайдовчи дори сифатида ишлатган.

Халқ табобатида оқтутдан иситма чиққанда, ичак касалликларида, қонни тозалашда фойдаланилади. Тут пўстлоғи (қайнатмаси ва кунжут ёғида тайёрланган суртма дори) яраларни даволашда, балғам кўчирувчи дори сифатида қўлланилади. Баргининг қайнатмаси шамоллаш ва иситмалаб қолганда, ҳароратни пасайтириш хусусиятига эга.

Камқонлик, қандли диабетда янги тут меваси яхшилаб эзиб, қоришитирилади. Ундан бир стакан қайнаган сувга икки ошқошиқ солинади. Термосда тўрт соат тиндирилади. Кунига тўрт маҳал, овқатланишдан олдин 1/4 стакандан ичилади.

Юрак хасталигида ҳар куни 4-5 маҳал, овқатлангандан сўнг 250-300 грамм тут ейилади. 3-4 ҳафтадан сўнг шифоси сезила бошлайди. Ошқозон бузилганда, меъда ва ичак касалликларида икки ошқошиқ майдаланган тут бир стакан қайнаган сувда тўрт соат тиндирилгач, сузиб олинади. Кунига 3-4 маҳал, овқатланишдан олдин 1/4 стакандан ичилади (ич кетганда хом тут қайнатмаси ҳам яхши фойда беради). Тиш касалликларида оғизни тут шарбати билан чайиш фойдалидир.

Ушбу меванинг яна бир нави — шоҳтут таркибида қанд, органик кислоталар, пектин мавжуд. Абу Али ибн Сино шоҳтут билан оғиз, томоқдаги шишлар, ичбуруғни даволаган. Халқ табобатида шоҳтутни чилонжийда билан қўшиб, дифтерия (бўғма) ва қизилча касалликлари даволанади. Оғиз бўшлиғида яралар пайдо бўлса, шоҳтут қайнатмаси билан чайиш фойдали. Шоҳтут озуқа ўрнини босолмайди, аммо иштаҳани очиб, иситмани тушириш хусусиятига эга.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ

Эълон!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашида **(0 371) 277-52-82** рақамли ишонч телефони йўлга қўйилган. Унга ҳар бир фуқаро ўзини қизиқтирган саволлар, таклиф-тавсия ва мулоҳазалар билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши вилоятда янги ташкил этилган Янгийўл, Нурафшон, Оҳангарон шаҳарлари ва Тошкент тумани кенгашлари учун компьютер ва мебель жиҳозларини сотиб олиш мақсадида **ТЕНДЕР** эълон қилади.

Тижорат таклифлари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 30-уй, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши.
Тел: (0 371) 239-27-53. Электрон почта манзили: mt.toshvil@umail.uz

Газетамизнинг навбатдаги сони 27 июнь, чоршанба куни чиқади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 616, Адади — 7484. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Нигора НИШОНБОЕВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.25. ЎзА якуни — 00.00.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56